



ХАБАР

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси
ИЖТИМОИЙ-СИЙOSIY
GAZETA

Газета 2004 йил 1 январдан
чиқа бошлаган,
E-mail: axborotXlasr@yahoo.com
web sayt: www.21asr.uz

2011 йил 27 октябрь, пайшанба
43-(415)-сон

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI



O'zLiDeP умуммиллий сиёсий ташкилот сифатида жамият фаровонлигига интилувчи барча фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилади ва уларни қўллаб-қувватлайди



«Asia Allians Bank» томонидан ажратилган 33,9 млрд. сўм миқдоридagi кредит маблағларидан 30,8 млрд. сўми хусусий секторни ривожлантиришга йўналтирилди



Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг навбатдаги тўлқини Европада юз бериши мумкинлиги тўғрисидаги башоратлар яна кичик бизнесни ривожлантиришни долзарб масала сифатида кун тартибига кирита бошлади

04 ЯНГИ АВЛОД

06 ИҚТISODIЁТ

07 ХАБАР ҲАЁТ

ҚОНУН АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

2011 йилнинг 7 октябрида МАТЕБУОТДА РАСМАН ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН «АЛКОГОЛЬ ВА ТАМАКИ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ТАРҚАЛИШИ ҲАМДА ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИНИШИНИ ЧЕКЛАШ Тўғрисида»ГИ ҚОНУН ОЛТИ ОЙДАН КЕЙИН КУЧГА КИРАДИ

Мутахассисларнинг таъкидлашича, «Баркамол авлод йили» Давлат дастурига мувофиқ қабул қилинган ушбу муҳим қонун фуқаролар, айниқса, 20 ёшга тўлмаганлар орасида алкоғоли ва тамаки маҳсулотларининг тарқалишини чеклашга қаратилган боис мамлакатда соғлом авлодни тарбиялашга хизмат қилади. Маълумки, ҳар қандай инсон 18 дан 20 ёшгача бўлган даврда ўз-ўзини англай бошлайди. Республика саломатлик ва тиббий статистика институти директори Зулуҳумор Муталованинг фикрича, айнан шу давр оралиғида инсон ташқи таъсирларга, жумладан, алкоғоль ва тамаки маҳсулотларига кучли мойил бўлади. Ёшларнинг бундай иллатларга ружу қўйиши эса улар саломатлигига нихоятда жиддий таъсир кўрсатади. Ушбу қонун фуқароларни, энг аввало, балоғат ёшидагиларни алкоғоль ва тамаки маҳсулотлари таъсиридан ҳимоя қилишга, улар ўртасида тушунтириш ишларини олиб боришга қаратилгани билан ҳам нихоятда аҳамиятлидир.

4»»

ЭРКИН ҲУДУДА ЯНА 2 ТА ҚўШМА ҚОРХОНА ИШИ БОШЛАДИ

«Навой» эркин индустриал иқтисодий ҳудудига косметика маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Navoiy-Beauty Cosmetics» Ўзбекистон—Жанубий Корея қўшма қорхонаси ишга туширилди. «Ўзкимёсанот» ДАК ахборот хизматида хабар қилинишича, 2,88 млн. АҚШ долларлик лойиҳа бўйича ташкил этилган қорхонада тегишли гигиеник талабларга жавоб берадиган 18 хилдаги маҳсулот ишлаб чиқарилади. Маълумотларга кўра, Жанубий Кореянинг «DK Cosmetics» компанияси томонидан келтирилган замонавий технологиялар билан таъминланган қорхонада йил охиригача 687 млн. сўмлик импорт ўрнини босувчи косметика маҳсулотлари ишлаб чиқариш режалаштирилган. Айнан ана шу қорхона яқинида эса Хитойнинг «Hunan Aofu» компанияси билан ҳамкорликда 3,78 млн. АҚШ долларига тенг лойиҳа асосида яна битта — «Navoiy Hunan Puir» қўшма қорхонаси иш бошлади. Мутахассислар бу ерда болалар тағликлари ва целлюлозадан тайёрланадиган бошқа гигиеник маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилганини таъкидламоқдалар.



ИСТИҚЛОЛ ТАРИХИНИНГ ЭНГ ИШОНЧЛИ МАНБАИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШИШ ОСТОНАСИДА» НОМЛИ КИТОБИ МУСТАҚИЛЛИК ҲОЯСИНИНГ РЕАЛ ТАРИХИЙ ЗАМИНДА ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ АКС ЭТТИРГАН НОЁБ АСАР СИФАТИДА МАЪНАВИЙ ҲАЁТИМИЗДА УЛКАН ВОКЕА Бўлди

Тошкентда мазкур китобнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ва О'zLiDePнинг бу борадаги долзарб вазифалари мавзусидаги Республика амалий конференциясида ана шундай фикр

билдирилди. О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан ташкил этилган анжуманда мазкур китоб жамиятимиз маънавий ҳаёти ва халқимиз сиёсий тафаккурини бойитишда

ҳам улкан аҳамиятга молик воқеа экани алоҳида эътироф этилди. Аждодларимизнинг асрий орзуси бўлган, бугун эса барчамиз учун энг улуғ, энг азиз қадриятга, эзгу мақсад ва бунёдкорлик ишларимизнинг

ҳаётбахш манбаига айланган мустақилликка эришиш йўлида Юртбошимиз томонидан олиб борилган серқирра фаолият асарининг бош мавзусини ташкил этади.

2»»

Қонун лойиҳалари қўйи бўғинларда муҳокама қилинапти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИКИЛГАН «МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОХОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ»ДА БЕЛГИЛАБ БЕРИЛГАН УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ВА ҚОНУНЧИЛИК ТАШАББУСЛАРИ О'ZLIDEP ФАОЛЛАРИ ДИККАТ МАРКАЗИДА Бўлмоқда

«Аёллар қаноти» ташаббуси билан пойтахтимизнинг Ҳамза туманида ташкил этилган «Тадбиркорликнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда «Аёллар қаноти» роли» мавзусидаги давра суҳбатига ҳам Олий Мажлис Қонунчилик палатасида тайёрланаётган қонун лойиҳалари атрофида муҳокама қилинди.

Тадбирда парламент қўйи палатасидаги О'zLiDeP фракцияси аъзолари, партия фаоллари ва ишбилармон аёллар иштирок этдилар.

— Маҳаллани оммавий тадбиркорлик марказига айлантириш ва бу



жараёни ривожлантириш орқали хотин-қизларни иш билан таъминлашни янги босқичга олиб чиқишда, аввало, жойлардаги жамоат ташкилотлари фаолиятини бугунги кун талаблари да-

ражасида жонлантириш зарур, — деди О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Мўхлис Акрамова.

3»»

БУГУНГИ СОНДА:

Учинчи сектор

МАЪЛУМКИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИКИЛГАН «МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОХОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ»ДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ЯНАДА РИВОЖЛАНИШИГА ЭРИШИШ, АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАРНИНГ ОЧИҚ-ОШҚОРАЛИГИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА УЛАР РОЛИНИ КУЧАЙТИРИШ УЧУН «ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК Тўғрисида»ГИ ҚОНУНИНИ КАБУЛ ҚИЛИШ ЛОЗИМЛИГИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ

Унда асосий эътибор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларидаги аниқ чегараларни белгилаш ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш каби долзарб масалалар бўйича тегишли ҳуқуқий нормаларни киритиш лозимлиги таъкидланди.

Гарчи демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизациялаш жараёнида нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини шакллантириш, уларнинг қонуний асосларини янада мустаҳкамлаш ҳамда жамият ҳаётидаги иштирокини кенгайтириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилаётган бўлса-да, ислохотларнинг янги босқичи бу жараёни янада такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Ҳўш, бу борада фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини мувофиқлаштиришда фаол иштирок этаётган Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси олдида қандай вазифалар турибди? Мазкур ташкилот жамиятимизда рўй бераётган демократик ўзгаришлар жараёнида қай даражада ўз ўрнини топа олди?

«XXI ASR» ГАЗЕТАСИ МУҲБИРИ АНА ШУНДАЙ САВОЛЛАР БИЛАН МАЗКУР АССОЦИАЦИЯ РАҲБАРИ АБДУМАЖИТ КАРИМОВГА МУРОЖААТ ҚИЛДИ.

03»»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ 2011 ЙИЛ 25 ОКТЯБРДАН БОШЛАБ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божжона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	▲ 1829,08
1 Англия фунт стерлинги	▲ 2810,47
1 Дания кронаси	▲ 328,47
1 БАА дирҳами	▲ 479,66

1 АҚШ доллари	▲ 1761,61
1 Миср фунти	▲ 294,83
1 Исландия кронаси	▲ 15,37
1 Канада доллари	▲ 1752,15

1 Ҳитой юани	▲ 276,39
1 Малайзия рингити	▼ 562,66
1 Поляша злотийси	▼ 557,74
1 СДР	▲ 2774,57

1 Туркия лираси	▼ 957,87
1 Швейцария франки	▲ 1995,48
1 ЕВРО	▲ 2427,14
1 Жанубий Корея вон	▲ 15,48

1 Япония иенаси	▲ 231,06
1 Россия рубли	▼ 56,22
1 Украина гривнаси	▲ 220,87

МУНОСАБАТ

web sayt: www.21asr.uz

Истиқлол тарихининг энг ишончли манбаи

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀

Ўз мухбиримиз

Китобда яқин ўтмишимизнинг ниҳоятда мураккаб тарихий-сиёсий босқичлари, жумладан, тасаввур қилиш ҳам қийин бўлган ғоят оғир ва таҳликали бир вазиятда Ўзбекистон раҳбари сифатида иш бошлаган Ислон Каримовнинг халқимизни чуқур инқироздан олиб чиқиши, уни қатъият ва матонат билан истиқлол сари бошлаши ҳамда Ватанимизнинг мустақилликка эришиш даври қамраб олинган. Ундаги нутқ ва маърузаларда ўша даврдаги драматик воқеалар, тарихий ўзгаришлар қандай мураккаб вазиятларида юз бергани ва уларнинг тафсилотлари атрофлича ёритилган.

— Мустақиллик туфайли халқимиз ҳаётида том маънодаги улкан воқеалар юз берди, — деди О'зЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси М.Тешабоев. — Ушбу тарихий воқеалар силсиласида Президент Ислон Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида" номли китобининг нашр этилиши ниҳоятда муҳим ўрин эгаллайди.

Истиқлол йиллари ҳаётимизни ўзгариштиришга хизмат қилган кўплаб қонун, дастур ва ҳужжатларга, жамиятимиздаги янги ҳаёт қарашларга асос бўлган концептуал ғояларни ўзида мужассам этган бу асар айна пайтда истиқлолимиз тарихини ўрганиш бўйича энг ишончли ва ниҳоятда муҳим манба сифатида ҳам эътироф этилмоқда.

Бугунги кунда бу борадаги энг долзарб вазиғамиз, шубҳасиз, Юртбошимизнинг мазкур асарини чуқур ўрганиш, ундаги асосий ғоя ва қарашларни, тарихий жараёнлар ҳақидаги таҳлил ва хулосаларни аҳолининг турли қатламлари орасида кенг тарғиб ва ташвиқ этишдан иборат. "Президент Ислон Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» китобини ўрганишнинг долзарб масалалари" мавзусидаги бугунги семинар ва О'зЛиДеР сиёсий таълим тизимида мўлжалланган махсус ўқув курси дастури ҳам айнан ана шу мақсадларга қаратилган.

Китобда жамиятимиз ҳаётининг ўша даврида рўй берган жараёнлар қаторида одамларга ер ажратиш, фуқароларнинг бу борадаги манфаат ва интилишларини қўллаб-қувватлаш, мулкка эгаллик каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилганини кўраимиз. Бир сўз билан айтганда, ушбу асар мустақиллик оstonасидаёқ мамлакатимизда мулкчиликнинг турли шакллари, мулкдорлар қатлами юзага келтириш учун илк қадамлар қўйилганидан далолат беради.

Ўша пайтларда олиб борилган изчил иқтисодий сиёсат туфайли бу соҳада кейинчалик рўй берган улкан ўзгаришларнинг асослари яратилди. Соҳани тартибга солувчи 400 дан зиёд қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, хусусий тадбиркорликнинг ҳуқуқий ҳимояси мустаҳкамланди. Натижада ўрта синф — мулкдорлар қатлами шаклланиб, мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи кучига айланди. Бу борада олиб борилган кенг қўламли ислохотлар бевоқиф О'зЛиДеРнинг сиёсий майдонга келиши учун ҳам замин яратди.

Асардаги юртимизда



сиёсий-ижтимоий ислохотлар назариясининг шаклланиши ва ривожланиш жараёнлари, мустақилликка эришишнинг сиёсий-ҳуқуқий асослари ишлаб чиқиши ва жорий этилиши, иқтисодий-ижтимоий ислохотлардан сиёсий мустақиллик сари ташланган

дадил қадамлар, фуқаролик жамиятини барпо этиш, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнларининг назарий ва амалий пойдеворини мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган мушоҳадалар партияимизнинг кейинги фаолияти учун ҳам ниҳоятда муҳим

аҳамиятга эгадир. Анжуманда таъкидланганидек, ушбу асар яқин ўтмишда содир бўлган тарихий жараёнларни ўрганиш ва бугунги куннинг қадрига этишда ниҳоятда холис манба, маънавий асос бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.



Зилола СОБИРОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, О'зЛиДеР фракцияси аъзоси:

— Асарни мутолаа қилар эканмиз, халқимиз қалбидagi асрий орзу — истиқлол ғояси улкан жасорат билан илгари сурилиб, уни амалга ошириш учун тарихий қадамлар қўйилгани, Президентимиз ўша долғали йиллардаёқ Ватанимиз мустақиллиги, янги ҳаёт, янги жамият иморати учун замин бўлган ҳал қилувчи дастурий мақсад ва ғояларни аниқ ва равшан тасаввур этгани, кескин вазиятларда яқка-ю ягона тўғри йўлни топа олгани, халқимиз тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш учун кеча-ю кундуз тинимсиз машаққатли фаолият олиб борганига яна бир бор амин бўламиз. Шунинг учун ҳам сиёсий-иқтисодий, тарихий-маънавий тафаккур ва таҳлил усулларини ўзаро уйғунликда мужассам этган бу китобнинг нафақат илмий-методологик ва амалий аҳамияти, ўтмиш ва келажак, аждодлар ва авлодлар ўртасидаги ворисийлик ришталарини кучайтиришда бебаҳо манба, дейишга тўла асослар бор. Бу эса партияимизнинг ғоя ҳамда мақсадларини асарда ўз аксини топган тарихий далилларга уйғунлаштириш ва шу орқали ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга йўналтирилган ишларни янада жонлантириш лозимлигини талаб этади. Шу маънода "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида" китоби О'зЛиДеР сиёсий таълим тизими учун муҳим методологик қўлланма вазиғасини ўтайди.



Тулқин ТУРСУНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, О'зЛиДеР фракцияси аъзоси:

— Мазкур асар қандай бўлмасин собик иттифоқни сақлаб қолиш, халқлар ва миллатларни асоратда тутиб туришни мақсад қилиб олган баъзи сиёсатдонларнинг хом-хаёлларига несланган, тарих ва таратқий бир текис оқадиган оддий ирмоқ эмас, балки унинг ўзига хос қонунлари, талаблари, ривожланиш мезонлари ва йўналишлари борлигининг яққол исботидир. Кейинги ўн йилликлар тарихи эса Президентимиз томонидан асосланган ва Ўзбекистон учун танлаб олинган тараққиёт йўли ва ривожланиш тамойилларининг мазмун-моҳиятини белгилаб берган ана шу қонуниятнинг ҳар қандай давлат ва жамият учун ниҳоятда муҳимлигидан далолат беради. Дунёнинг қатор давлатлари мамлакатимиз тараққиёт йўлини жиддий ўрганаётгани, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамай, юксак натижалар кўрсатаётган ривожланиш моделига қизиқиши тобора ортиб бораётганининг асл сабаби ҳам ана шунда.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида ушбу қонуниятни тўғри англаб ололмаган, ўз мамлакат хусусиятлари ва халқ менталитетига таянмаган, четдан туриб бошқариладиган турли "моделлар"га ишонган баъзи давлатлар ва уларнинг сиёсатчилари ҳам бугун Ўзбекистон танлаган тараққиёт стратегиясини диққат билан ўрганаётгани бежиз эмас. Шу маънода китоб ҳар биримизни, жумладан, О'зЛиДеРнинг барча аъзоларини ҳам тарих ва келажак қаршидаги масъулият ҳиссини сезиб яшашга, ўтмишга бефарқ бўлмашликка ўргатади. Халқимиз ҳаётининг вақт ўтиши билан унутилиб, йўқолиб кетиши мумкин бўлган саҳифаларини тиклаш учун мустаҳкам замин яратди, бу соҳада ҳам масалага янгича қарашни заруратга айлантиради.



Нодира КАРИМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, О'зЛиДеР фракцияси аъзоси:

— Президентимиз асарида баён этилган асосий ғоялар ва тарихий жараёнлар ҳақидаги таҳлил ҳамда хулосаларни ҳар томонлама ўрганиш ва уларнинг мазмун-моҳиятини кенг ёритиш бўйича бир қатор ташкилий-маърифий тадбирлар уюштириш лозим, деб ҳисоблайман. Зеро, Юртбошимизнинг ушбу асари маънавий ва маърифат жабҳаси фаоллари, профессор-ўқитувчилар, тадқиқотчилар, хуллас, ҳар биримиз учун дастуриламалга айланиши шубҳасиз. Бу эса мустақилликнинг қандай бошлангани, уни қўлга киритиш ва мустаҳкамлаш учун қандай сабот ва матонат керак бўлганини чуқур англаш, фаол ва собитқадам ёш авлодни тарбиялаш жараёнида зиммамизга улкан масъулият юклайди.

Шу боисдан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, Сиёсий таълим марказлари мутасаддилари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган анжуманда асарда баён этилган ғоя ва қарашларни «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» билан узвий боғлиқ ҳолда ўрганиш зарурлиги таъкидланиб, бу борада амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар режаси тасдиқланди.

Ўрта синф

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀

М.АБДУРАҲМОНОВ

Таҳлилчилар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётганига қарамай, 2011 йилнинг олти ойида 558 та янги ишлаб чиқариш объекти ишга туширилганига, 2011 йилнинг 9 ойида эса бу рақам 828 тага етганига эътибор қаратмоқдалар.

Шу ўринда ҳисобот даврида намунавий лойиҳалар бўйича 5966 та яқка тартибдаги уй-жойлар қурилганига, улар асосан ёш оилалар, ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлам кишиларига ажратиладиганига эътибор қаратайлик.

Бу — айрим мамлакатларда иқтисодий беқарорлик сурункали ҳолатга айланиб қолган бир пайтда

нинг ривожланишига ҳалал бераётган муаммоларни бартараф этишга қаратилганини кўраимиз.

Бу, биринчидан, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш борасидаги ҳаракатларимизнинг ҳуқуқий асосларини яратишга парламент томонидан алоҳида эътибор қаратиладиганини кўрсатса, иккинчидан, бу жараёнда мулк, бозор ва соғлом рақобат муҳитини яратишга устуворлик бериладиганидан далолатдир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'зЛиДеР фракцияси аъзоларининг фикрича, айна пайтда парламентда қизгин муҳокама қилинаётган қонунлар, айниқса, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида» ҳамда «Рақобат тўғрисида»ги

полияга қарши тартибга солишнинг молиявий хизматлар бозорига нисбатан татбиқ этилиши ҳамда ушбу бозорлар субъектларини тартибга солиш мезонлари ҳам белгиланмоқда. Шунинг учун ҳам молия бозорлари ҳамда уларда кўрсатиладиган молиявий хизматларнинг турли-туманлиги, улар ривожланишининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, қонун лойиҳасига молия бозорлари ва уларда кўрсатиладиган хизмат турларини тартибга солувчи аниқ меъёрлар киритилмоқда.

Ушбу қонун лойиҳасига монополияга қарши орган ваколатларига тегишли ўзгаришлар ҳам киритилмоқда.

Бундан ташқари, янги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши, рақобат соҳасидаги муносабатларни

«Рақобат тўғрисида»ги қонун лойиҳасини шу маънода ҳам энг муҳим қонунлар қаторида тилга олиш мумкин. Зеро, қучли ва соғлом рақобат муҳитига барча соҳа ва тизимларда ўсиш ва ўзгаришлар ҳамда юксак тараққиётга хизмат қилади. Бундай муносабат эса мамлакатнинг иқтисодий қудрати билан чамбарчас боғлиқдир.

Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлидаги бундай изчил интилишлар пировардида Ўзбекистоннинг ривожланган мамлакатлар қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллашига хизмат қилади, албатта.

Ўзбекистоннинг том маънодаги бунёдкор мамлакатга айланганини кўрсатади.

2011 йилнинг тўққиз ойлик якунларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси Мажлиси ахборотида қайд этилган рақам ва кўрсаткичларни қайта-қайта таҳлил этарканмиз, жорий йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга бирламчи эътибор қаратилганига амин бўламиз.

Ҳа, чиндан ҳам Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида мулкдорлар учун янада қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш мамлакат иқтисодий сиёсатининг БОШ МАСАЛАСИга айланди.

Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш тизимининг тобора содда-лаштирилаётгани, имтиёзли кредитлаш тизимининг барқарор ишлаётгани, назорат органлари томонидан текширувлар сонининг кескин камайгани эса тадбиркорларнинг янада эркин фаолият олиб боришларини таъминлаётгани. Энг асосийси, Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да илгари сурилган ташаббуслар парламент эътиборини ўрта синф фаолиятига оид қонунчилик базасини янада такомиллаштиришга қаратди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ислохотларнинг янги босқичида бундай талаб мустақилликнинг дастлабки даврлариданоқ мамлакатда мулк масаласини ҳал этмай туриб, меҳнати ташкил этишнинг ҳар қандай тизими ҳам самара бермаслиги ҳақидаги олтин қондага қатъий ва изчил амал қилинаётганини кўрсатади.

Агар рақамларга эътибор берсак, 2010 ва 2011 йилнинг ўтган даврида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган 57 та қонуннинг аксарияти иқтисодийнинг барқарор ўсиши, хусусий сектор-

қонунлар бу соҳанинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга қаратилган муҳим ҳужжатлардир. О'зЛиДеР фракцияси аъзоси Насим Алимовнинг таъкидлашича, бозор механизмларини янада такомиллаштиришда рақобатнинг ўрни беқийсдир. Шунинг учун ҳам Президент Концепциясида бозор муносабатларининг асоси бўлган рақобатни ривожлантиришда монополияга қарши қонун ҳужжатлари катта роль ўйнаши ва бугунги талаблардан келиб чиққан ҳолда «Рақобат тўғрисида»ги қонунни ишлаб чиқиш лозимлиги белгилаб берилди.

Мазкур қонун лойиҳасида монополистик фаолиятни нафақат товарлар бозорларида, балки молия бозорларида ҳам тартибга солиш назарда тутилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Шунингдек, лойиҳада биржа савдоларида монополияга қарши механизмларни, акцияларни сотиб олиш, қўшиш ва бириктириш битимларини тартибга солиш ҳамда назорат қилиш тартиб-қоидаларини соддалаштириш бўйича нормалар ҳам ўрин олмақда.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йилларда мамлакатимизда самарали рақобат сиёсатининг амалга оширилиши натижасида, товар ва хизматлар бозорларининг монополлашиш даражаси сезиларли равишда пасайди. Мутахассислар кейинги ўн йилда монопол қорхоналар сони 75,2 фоизга қисқарганига алоҳида эътибор қаратмоқдалар.

Шу ўринда, иқтисодиётда юз бераётган ижобий ўзгаришлар ва ҳуқуқий ҳимоя тизимининг такомиллашиб бориши натижасида 1996 йилда қабул қилинган "Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида"ги қонун бугунги талабларга жавоб бермай қолганини таъкидлаш жоиз.

Янги қонунда эса айнан рақобат муҳитининг бугунги талаблари тўла инобатга олинмоқда. Қонун лойиҳасида моно-

тартибга солувчи қонуноти ҳужжатларини яхлит бир қонунда акс эттирилишини аналтади. Энг муҳими, «Рақобат тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун тенг шарт-шароитларни, товарларнинг эркин айланшини таъминлаб беради. Бу эса мамлакатимизда рақобат муҳити ривожланишининг энг асосий жиғатидир.

Маълумки, Ўзбекистоннинг 20 йиллик тараққиёти мобайнида ялпи ички маҳсулот ўсиши 3,5 баробарни, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 2,5 баробарни, фуқароларнинг реал даромадлари эса 3,8 баробарни ташкил этди. Бу 1992 йилда қабул қилинган, мамлакатимизнинг демократик тараққиётини таъминлаш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий принципларини белгилаб берган Бош Қомусимизнинг қоида ва тамойилларига таянган ҳолдаги фаолият натижасидир. Ислохотларнинг янги босқичи эса бу жараённи янада такомиллаштиришнинг тақозо этмоқда. Бунинг учун эса энг аввало Концепцияда белгилаб берилган қонун лойиҳаларини ўз вақтида қабул қилиш ва ҳаётимизга жорий этиш лозим. Айниқса, хусусий секторнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилувчи қонунларга бирламчи эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқдир. О'зЛиДеР фракцияси аъзолари «Рақобат тўғрисида»ги қонун лойиҳасини шу маънода ҳам энг муҳим қонунлар қаторида тилга олмақдалар. Зеро, қучли ва соғлом рақобат муҳитига барча соҳа ва тизимларда ўсиш ва ўзгаришларга, пировардида эса юксак тараққиётга хизмат қилади. Бундай муносабат эса мамлакатнинг иқтисодий қудрати билан чамбарчас боғлиқдир.

Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлидаги бундай изчил интилишлар пировардида Ўзбекистоннинг ривожланган мамлакатлар қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллашига хизмат қилади, албатта.

Учинчи сектор

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

— Маълумки, бундан олти йил муқаддам мамлакатимизнинг турли ҳудудларида фаолият кўрсатаётган 150 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокида Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясига асос солинган эди. Айни пайтда мавжуд 5200 дан зиёд ННТнинг 400 дан зиёди ассоциациямиз аъзоси ҳисобланади. Бугун ўз олдимишга жамиятда демократик тамойилларни кенг татбиқ этиш, мавжуд нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқ ва ман-

ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлаш, турли ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, аҳоли кенг қатламлари манфаатлари, ҳуқуқ-эркинликларини ҳимоя қилишда жамоат ташкилотлари билан давлат тузилмалари ўртасидаги аниқ чегараларни белгилаш сингари муҳим масалаларга қаратилгандир. Шу ўринда, мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида ассоциациямиз ҳамда ННТларни қўллаб-қувватлаш фонди томонидан эълон қилинган "Нодавлат нотижорат ташки-



Ўтган давр мобайнида демократик ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган ва умумий қиймати 1,5 миллиард сўмдан зиёд бўлган 50 дан ортиқ лойиҳалар амалга оширилди. Бундан ташқари, ассоциация ҳар йили мингдан ортиқ ННТ ва ташаббускор гуруҳлар мурожаатларини ўрганиб чиқиб, уларга зарур ахборот ҳамда ҳуқуқий маслаҳатлар бериб бормоқда. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилгани эса мавжуд муаммоларни ҳал этишда ўз самарасини бераётир.

фаатларини ҳимоя қилиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш даврида ННТларнинг ихтиёрийлик, тенглик ва эркинлик асосида иш олиб боришини таъминлашдан иборат вазифаларни қўйганмиш. Ўтган давр мобайнида демократик ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган ва умумий қиймати 1,5 миллиард сўмдан зиёд бўлган 50 дан ортиқ лойиҳа амалга оширилди. Бундан ташқари, ассоциация ҳар йили мингдан ортиқ ННТ ва ташаббускор гуруҳлар мурожаатларини ўрганиб чиқиб, уларга зарур ахборот ҳамда ҳуқуқий маслаҳатлар бериб бормоқда. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилгани эса мавжуд муаммоларни ҳал этишда ўз самарасини бераётир. Кези келганда, ассоциациянинг кафилиги ва воситачилик соҳасидаги фаолиятини ҳам алоҳида таъкидлаш мумкин.

— Демак, ассоциация нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш, давлат билан улар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашни асосий вазифа, деб ҳисобламасми?

— Худди шундай. Тўғри, давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасидаги ижтимоий шериклик мамлакатимиз ҳаётида нисбатан янги йўналиш. Шундай бўлса-да, «учинчи сектор» вакиллари тақдирга эга бўлган ҳайрли ташаббуслар маҳаллий ҳокимият органлари томонидан қўллаб-қувватланаётганлиги жойларда мавжуд муаммоларни ижобий ҳал этиш имконини бермоқда.

Президентимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да илгари сурилган «Ижтимоий шериклик тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида», «Экологик назорат тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишга оид қонунчилик ташаббуслари жуда катта ҳаётий аҳамиятга эга. Зеро, улар фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини янада ривожлантириш, амалга оширилаётган ислохотларнинг очик-

лотларининг амалга оширилган энг яхши ижтимоий шериклик тажрибаси бўйича» ва «Ижтимоий шериклик бўйича энг намунавий ёритилган мақола учун» танловлари жамоатчилик ўртасида катта қизиқиш уй-

кстондаги ваколатхоналари билан ҳамкорлик меморандумлари имзолаганимиз. Шу асосда талай лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Ўзбекистондаги

яти кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси очик мулоқотлар жараёнида кенг муҳокама этилиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилди. 2007 йилда қабул қилинган, ушбу муҳим ҳужжат ННТлар манфаатлари ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, шунингдек, давлат органлари билан ижтимоий шериклик механизмини ривожлантириш, давлат субсидияси, давлат гранти ва давлатнинг ижтимоий буюртмаси кўринишида ННТлар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилгандир. Айни пайтда биз ўз фаолиятимизни мазкур қонун талаблари асосида ташкил этишимиз.

Бундан ташқари, ташкилот қoшида ННТларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ташкил этилган

ГРАНТ МАБЛАҒИ ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИГА ЙўНАЛТИРИЛДИ

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, замонавий раҳбар кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларга илмий-услубий кўмак бериш ҳамда кўшимча касб-хунар ўргатишга эътибор қаратаётган «Етакчи» ёшлар маркази 2004 йилдан буён фаолият юритмоқда. «Камолот» ЁИХ муассислигидаги ушбу марказ 2010 йили Олий Мажлис ҳузуридagi Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан ўтказилган грант танловида иштирок этиб, «Ўқувчиларнинг мактабдан бўш вақтларини ўтказишни социологик тадқиқот орқали ўрганиш» лойиҳаси учун давлат грантини қўлга киритган эди. Жамғарма томонидан ажратилган 9 млн. 900 сўм маблағ ҳисобидан лойиҳа беш йўналишда амалга оширилиб, ўқувчиларнинг ёш квалитацияси ва синф категорияси бўйича тадқиқотлар олиб борилди. Бунинг учун ҳар бир вилоятдан 5-6 тадан туман танлаб олинди. Маълумки, ёшларнинг бўш вақтларидан унумли фойдаланиш уларнинг маънавий, жисмоний ривожланишида, онги ва дунёқарагининг шаклланишида муҳим ўрин тутди. Аммо, афсуски, айрим ҳудудларда ўқувчиларнинг бўш вақтларини ташкил этишга ҳар доим ҳам талаб даражасида эътибор қаратилмаётти. «Етакчи» ёшлар маркази томонидан ўтказилган тадқиқотда масаланинг ана шу жиҳатларига эътибор қаратилиб, ўқувчиларнинг жамоатчилик ишларидаги иштироки, китоб ва кутубхонага бўлган муносабати, спорт билан шуғулланиши учун янада кенг имкониятлар яратиш зарур, деган хулосага келинди. Айни пайтда лойиҳа доирасида ўтказилган тадқиқот натижалари атрофича таҳлил қилинмоқда.

фотганини таъкидлашни истардим. Жумладан, «Ижтимоий шериклик бўйича эълон қилинган энг намунавий мақола учун танлов»ни ўтказишдан мақсад Концепцияда илгари сурилган ҳаётий гоғаларни амалга оширишда ОАВ иштирокини янада кенгайтириш эди. Имкониятдан фойдаланиб, мазкур танловда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, тадбиркорлик фаолиятини юритувчи субъектлар ҳам иштирок этишлари мумкинлигини айтмоқчиман.

— Ассоциациянинг халқаро ташкилотлар билан муносабатлари қандай йўлга қўйилган?

— Зиммамиздаги энг муҳим вазифалардан бири ҳам халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашдир. Хусусан, БМТ ривожланиш лойиҳаси ва БМТ агентликлари, Жаҳон банки, Ривожланиш ва ҳамкорлик бўйича Швейцария агентлиги, Марказий Осиё минтақавий экологик маркази, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган «Минтақавий мулоқот» халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти ва бошқа тузилмаларнинг Ўзбе-

лоийчалари координатори, Европа Иттифоқи Комиссияси, Европа Уйи, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури, ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси, Жаҳон банки сингари қатор нуфузли халқаро ташкилотлар билан биргаликда умумий қиймати 2 миллион АҚШ долларига тенг бўлган элликдан зиёд лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди.

— Ассоциация аъзоси бўлган маҳаллий ННТлар, хусусан, бевосита ёшлар масалалари билан шуғулланувчи ташкилотлар иштирокида амалга оширилаётган лойиҳалар ва уларнинг натижаларини қоникарли, дея оласизми?

— Бугун республикамизнинг 14 та ҳудудда ёшлар муаммолари билан шуғулланувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритаяпти. Самарқанддаги «Тенгдошим», Намангандаги «Келажақ нури», Қашқадарёдаги «Юксалиш», Андижондаги «Хамроҳ» ташкилотлари шулар жумласидандир. Улар иштирокида ижтимоий аҳамиятга молик бир қатор лойиҳалар изчил амалга оширилмоқда. Жумладан, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаоли-

бўлиб, ўтган давр мобайнида бешта танловга тақдим қилинган лойиҳаларнинг юзга яқини ана шу фонд маблағи ҳисобидан молиялаштирилди. Яна шу ҳисобдан аҳолининг ижтимоий кўмакка муҳтож қатламига ёрдам кўрсатилиб, тадбиркорлик, меҳнат бозори, болалар ва аёллар ҳуқуқи, экология ҳамда таълим соҳасидаги бир қатор муаммолар бартараф этилмоқда.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ассоциациямиз фаолияти кенг қамровли бўлиб, асосий мақсад аҳоли қатламлари манфаатлари йўлида сидқиқ дилдан хизмат қилишдир. Албатта, амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ташкилотимиз олдида ҳам янги талабларни қўймоқда. Бинобарин, одамлар ичига чуқурроқ кириб бориш, ҳудудлардаги ресурс марказлари фаолиятини жонлантириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, мухта-сар қилиб айтганда, «учинчи сектор»нинг ижтимоий шериклик соҳасидаги иштирокини янада кенгайтириш учун барча имкониятлар сафарбар этилмоқда.

**Сўхбатдош:
Ақбар МУЗАФФАРОВ**

Фармон қўшимча имтиёзлар берди

1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАБ «КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ҚУЛАЙ ИШБИРАТМОНЛИК МУҲИТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ОИД КўШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида»ги ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИ АСОСИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН «БЮРОКРАТИК ТўСИҚЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ЭРКИНЛИгини ЯНАДА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида»ги ҚАРОРИГА ҚўРА, ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН ТУРЛИ РУХСАТ БЕРИШ МЕЪЁРЛАРИ ХАМДА ЧЕКЛАШ ТАРТИБЛАРИНИНГ 50 ТАСИ БЕКОР ҚИЛИНДИ

Шунингдек, саноат соҳасидаги микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлаш тартиби белгиланди. Бу пойабзал саноати учун елим ишлаб чиқараётган корхонамиз учун ҳам қўшимча имкониятлар беради, албатта. Юртбошимизнинг «Ноозиқ-овқат» товарларини ишлаб чиқаришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги 1050-қарорига қўра, 2012 йил 1 январгача ягона солиқ тўловидан озод қилинганимиз учун ўтган 9 ойда 12 миллион 304 минг сўм тежаб қолинди.

2012 йилдан ягона солиқ тўловининг амалдаги ставкаси 5 фоиз этиб белгиланса, маблағимизни янада иқтисод қилиш имконияти кенгайди. Ишбилармонлик муҳити ва берилган имтиёзлар, содда қилиб айтганда, даромадларимизни янада оширади.

Жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш, аҳолига кўрсатилган хизматлардан 64 миллион 121 минг 900 сўм соф фойда кўрдик. Бир вақтлар атиги 5 киши билан иш бошлагандик. Бугун корхонамизда 30 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаёпти.

Имтиёз тўғрисида тежалган маблағ ва олинган фойда эвазига Андижон тумани марказидаги Ирригатор шаҳарчасида лойиҳа қиймати 1 миллиард 100 миллион сўм бўлган болалар спорт комплексини қуришга киришдик. Бу ерда болаларнинг спорт билан шуғулланишлариغا шароит яратиш билан бирга 20 та иш ўрни ҳам барпо этилади.

Тадбиркор қанча бойиса — жамиятга шунча кўп фойда келтиради, албатта. Масалан, фармонда тадбиркорлик субъектларининг давлат бошқаруви идоралари, солиқ ва назорат тузилмалари билан муносабатларда очиклик ва шаффоқлиқни таъминлаш учун



Тоҳиржон ТОЛИПОВ,
Андижон туманидаги «Гулсум» хусусий корхонаси раҳбари,
O'zLiDeP Сийёсий Кенгаши аъзоси

ҳисоботларни электрон тизимига бошқичма-бошқич ўтишининг белгиланиши жуда тўғри қарор бўлди. Тадбиркор тўлаган солиқлари ҳақида солиштирма далолатнома олиш учун ҳам ДСИ раҳбарига хат билан чиқиши ортиқча қоғозбозликдан бошқа нарса эмас эди. Шунингдек, тижорат банклари билан ўзаро ҳамкорлик механизминини янада такомиллаштириш ва соддалаштириш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш ҳамда технологияларни янгилаш учун узоқ муддатли кредитлар ҳажми кўпайтирилиши эски ускуналарни замонавийлар билан алмаштириш имкониятини яратади.

Тадбиркорларга бундай қулай ишбилармонлик муҳити яратилиб, эркинлик берилгани бизга катта маддат ва куч-ғайрат бағишламоқда. Бундай эътиборга жавобан ялпи ички маҳсулотдаги улушимизни кўпайтириб, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлигини оширишга янада кўпроқ ҳисса қўшиш учун бор имкониятларимизни ишга соламыз.



Қонун лойиҳалари қуйи бўғинларда муҳокама қилинаяпти

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Нағиза ҚАҲҚОРОВА,
«XXI ASR»

— Президентимиз Концепциясида таъкидланганидек, бунда маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтиришга жиддий эътибор қаратиш лозим.

Тадбирда, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Барчиной Машарипова Концепция талаблари асосида тайёрланган «Рақобат тўғрисида» ҳамда «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун лойиҳалари ҳақида иштирокчиларга батафсил маълумот берди.

Депутатнинг таъкидлашича, мазкур қонун оилавий тадбиркорлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солишда муҳим аҳамият касб этади. Унда оилавий корхонанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фаолият тури, иштирокчилар сони, солиқ ҳамда бошқа мажбурий тўловларни тўлаш қабилар ўз аксини толган бўлиб, бу меъёрларнинг қонун лойиҳасида акс эттирилиши нафақат ўз даромадига эга бўлган оилалар сонининг кўпайишига, балки мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришга ҳам хизмат қилади.

Давра сўхбатига айрим ҳолатларда тадбиркорлар фаолиятига ҳалал бераётган муаммоларни ҳал этиш билан бирга аҳоли бандлигини таъминлаш, партия электорати вакилларини тадбиркорликка кенг жалб этиш учун турли ўқув-семинарлар ташкил этиш лозимлиги таъкидланди.

— «Маҳаллани оилавий бизнес ва тадбиркорлик марказига айлантиришда O'zLiDeP «Аёллар қаноти»нинг иштироки ва роли» мавзусидаги 300 дан ортиқ туркум тадбирларимиз айнан маҳаллаларда фаолият юритаётган ишбилармонлар иштирокида ўтказилганини таъкидлаш лозим, — дейди «Аёллар қаноти» бўлими раҳбари Севара Муслимова. — Бундай учрашувларда маҳаллаларда обрў-эътибор қозонган тадбиркорлар иштирок этаётгани ўзига хос самара бермоқда. Шу ўринда 2011 йилнинг 9 ойида пойтахтдаги маҳаллаларда тадбиркор хотин-қизлар томонидан 2000 га яқин янги иш ўрни яратилганини таъкидламоқчиман.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, O'zLiDeP «Аёллар қаноти»нинг айнан қуйи бўғинлар билан ҳамкорликда ўтказилган бундай тадбирлари мамлакатимизда хотин-қизларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига йўналтириш баробарида она-сингилларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга ҳам хизмат қилмоқда. Юртимизда олиб борилаётган изчил ислохотлар самараси эса уларнинг истиқболли режаларига қанот бағишлаши шубҳасиздир.

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

web sayt: www.21asr.uz

«Ёшлар қаноти» тадбиркорларнинг янги авлодини қўллаб-қувватламоқда

ТОШКЕНТДА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ВА КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ ТАЛАБАЛАРИ УЧУН «ДИПЛОМ БИЛАН — БИЗНЕСГА» ЛОЙИХАСИ ДОИРАСИДАГИ МАХСУС КУРСЛАРНИНГ РЕСПУБЛИКА БОСКИЧИ БЎЛИБ ЎТДИ

Шухрат РАҲИМОВ,
«XXI ASR»

Тадбир ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг изланишлари, ишбилармонлик борасидаги интилишларини рағбатлантириш мақсадида O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва Марказий банк ҳамкорлигида ташкил этилди.

«Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси ёшларимизнинг тадбиркорлик орқали жамиятда ўз ўрнини топишига яқиндан қўллаб-қувватлашни кўзда tutади, — деди O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Муҳаммадусуф Тешабоев. — Бу йилги тадбирда 1450 нафар битирувчи иштирок этгани ҳам бежиз эмас. Агар лойиҳа ҳар йили минглаб йигит-қизларни қамраб олса, демак-ки, шунча ёш авлод вакилининг муқим даромадга эга бўлиши ва жамият учун фойдали меҳнат билан шуғулланишини таъминлаган бўлармиз. Энг асосийси, тадбир доирасида фарзандларимиз ўз орзу-мақсадларини рўйбга чиқариши йўлида ёлғиз эмасликларини ҳис этишмоқда.

Лойиҳанинг худудий босқичлари ҳам юксак савияда ўтказилди, — деди Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни мувофиқлаштириш департаменти директори Актам Сайфуллаев. — Энг яхши бизнес лойиҳа тақдим этган 124 нафар иштирокчига кредит олиш ҳуқуқини кафолатловчи махсус сертификатлар топширилди. Умуман олганда, тижорат банклари томонидан ёшларни тадбиркорликка жалб этиш, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида 2011 йилда 21,5 млрд. сўмлик имтиёзли микрокредитлар ажратилиш кўзда тутилган. Бу 2010 йилга нисбатан 2,6 баробарга кўп демакдир. Айни пайтгача 20,3 млрд. сўм ўз манзилига етказилди, 9 ойлик прогноз кўрсаткичи 131,6 фоизга бажарилди.

Ташкилотчиларнинг маълум қилишича, тўрт кун давом этган мазкур тадбирда «Ишлаб чиқаришда энг яхши инновацион го» йўналиши бўйича махсус семинарларда таълим олган 30 нафар йигит-қизнинг мушарраф бизнес бошлашига ишонч билдирилиб, уларга ҳам сертификатлар топширилди. Шунингдек, «Қишлоқ ҳўжалиги ва хизмат кўрсатишда энг яхши инновацион го» йўналиши бўйича тез орада ўтказилиши режалаштирилган кейинги босқичларда ҳам битирувчилар назарий ва амалий жиҳатдан асосланган бизнес-режаларни тақдим этишлари кутилмоқда.

Шуниси муҳимки, «Диплом билан — бизнесга» лойиҳаси доирасида битирувчилар назарий билимлар олиш билан бирга тадбиркорликнинг нозик сирларини ҳам эгалламоқдалар.

— Маҳалламизда ти-



кувчилик чеҳи очиб, ўзимга ўхшаган 3 нафар қизни ишга олдим, — дейди Сайёра Каримова. — Бугунги тадбир натижасида кредит олишга муваффақ бўлсам, яна 10 нафар кишини иш билан таъминлаб, бизнесимни кенгайтиришим мумкин. Бизнес-режамга кўра, бунинг учун 5 миллион 700 миң сўмлик кредит зарур.

Танлов ҳайъатини ҳайратга солган гоғлар орасида Самарқанд вилоятидан келган иштирокчи Шохрух Эшонкуловнинг бизнес-режаси алоҳида диққатга сазовор бўлди.

«Бизнесда муваффақият қозонишининг муҳим омилли — бозорда ўз ўрнини топишдир, — дейди Ш.Эшонкулов. — Мен мамакатимизда маҳаллилаштирилмаган, шу билан бирга ишлаб чиқариш катта ресурс талаб қилмайдиган маҳсулот ҳақида узоқ ўйладим. Ниҳоят, пойабзал кремани ишлаб чиқаришга қарор қилдим. Бу маҳсулот бизга ҳозир Хи-

тойдан келтирилади. Уни ўзимизда ишлаб чиқариш учун 10 миллион сўм маблағ кифоя. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, керакли ускуна ва хом ашёларни сотиб олиш, учун бу маблағ бемалол етади. Маҳсулотни сотиш учун катор қорхоналар билан фьючерс келишувларига эришимиз. Агар шундай цех очишга муваффақ бўлсам, уни келажақда янада кенгайтириб, кўшни давлатларга маҳсулот экспорт қила олувчи заводга айлантириш ниятим бор.

Шу ўринда «Диплом билан — бизнесга» лойиҳасида қатнашаётган битирувчиларнинг ҳаммасини ҳам «ноль»дан иш бошлаётган ёшлар, дейиш қийин. Масалан, фарғоналик Мафтуна Қирғизбоева бизнеснинг илк довоини ошиб ўтган. Кейинги маррага чиқиш учун унга 3 миллион сўм тасарф экан.

— Тикувчилик соҳасида ўз ўрнини топдим, — дейди М.Қирғизбоева. — Айни пайтда кунига 10 та

кўйлакни бозорга чиқарибман. Сифатли матолардан тикилгани учун доимий харидорларим кўлаиб бормоқда. Фақат замонавий бичимдаги либослар тиқиш, уларнинг нақш ва аксессуарлари «кифтини келтириш» учун компьютер дастури асосида нақш соладиган тикув машинаси зарур. Шунда яна 3-4 кишини ишга олиш мумкин бўлади. Лойиҳа довомида иштирокчи - ёшларга O'zLiDeP, «Асака» банк, «Ипотека» банк, «Микрокредит» банк, «Халқ банк» ва «Агробанк» мутахассислари томонидан «Бизнес-режа нима ва уни тайёрлаш талаблари», «Тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи меъриё-ҳуқуқий ҳужжатлар», «Кредитни қайтариш жадвали», «Нақд пул оқими жадвалини тузиш», «Кичик бизнес вакиллари учун жорий этилган солиқлар ва имтиёзлар», «Бухгалтерия ҳисоботлари асослари», «Қорхона фаолиятининг молиявий таҳлили» каби

мавзуларда назарий ва амалий билимлар ҳам берилди. Семинар-тренинг давомида иштирокчиларнинг бизнес-режаларида учрайдиган камчиликлар муҳокама этилиб, уларни бартараф этиш йўллари ҳам кўрсатиб ўтилди.

Таъкидлаш керакки, бундай лойиҳалар мамлакатимиз ёшларининг ўз келажагини ўзи таъминлаши учун яхши имконият сифатида катта аҳамиятга моликдир. Бу эса O'zLiDePнинг устувор вазифаларига тўла мос келади. Зеро, партия Дастурида белгиланганидек, O'zLiDeP умуммиллий сиёсий ташкилот сифатида мамлакатимизда тадбиркорлиги, ташаббускорлиги, ўз ишини ташкил қилиш, го ва лойиҳаларини амалга ошириш эвазига шахсий, оилавий фаровонликка ҳамда умуман жамият фаровонлигига интилувчи барча фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилади, уларни қўллаб-қувватлайди.

тадбиркорлар сони тобора орта бормоқда. Мен ҳам улар сафига бўлиб, тикувчилик ва зардўзлик қорхонасини очмоқчиман.

Давра суҳбатида, шунингдек, иштирокчилар томонидан тадбиркорларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва битирувчи ёшларни кичик бизнесга жалб этиш бўйича қизиқарили тақлиф ва мулоҳазалар ҳам билдирилди.

КОРАКАЛПОФИСТОН. O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши «Аёллар қаноти» томонидан Қораўзақ туман ҳокимлигида ўтказилган «Оилавий бизнес — фаровонлик гарови» мавзусидаги давра суҳбатида қишлоқ аёлларини тадбиркорликка кенг жалб этиш, оилавий бизнесни ривожлантириш ва аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилаш масалалари атрафлича муҳокама қилинди.

Тадбирда «Маҳалла» жамғармасининг Қораўзақ тумани бўлими раҳбари, партия фаоли С.Айтмуратова сўзга чиқиб, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлар учун яратилаётган имкониятларни янада кенгайтириш, маҳалаларни оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорлик марказига айлантиришда айнан аёлларнинг сиёсий фаоллигидан унумли фойдаланиш лозимлигини таъкидлади.

Давра суҳбатида «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама қилиниб, билдирилган тақлиф ва мулоҳазаларни O'zLiDeP фракциясига етказишга қарор қилинди.

Қонун аҳоли саломатлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Кахрамон САЙДАЛИЕВ,
«XXI ASR»

Маълумотларга кўра, дунёда алкоголь маҳсулотлари истеъмоли билан боғлиқ касалликлар ва жароҳатлардан йилга 2,5 миллион киши вафот этмоқда. Ачинарлиси, улардан 320 миң нафарини 15 ёшдан 29 ёшгача бўлганлар ташкил қилади. Улим ва ноғиронликка сабаб бўлаётган 20 турдаги хасталиклар орасида алкоголь маҳсулотлари истеъмо-

мусаффолигини сақлашга ҳам ёрдам беради.

Мазкур қонунда алкоголь ва тамаки маҳсулотларини тарғиб қилишга нисбатан таъсир чоралари янада кучайтирилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитасининг реклама фаолиятини назорат қилиш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бош бошқармаси бошлиғи Дилшод Азимовнинг таъкидлашича, мамлакатимизда фуқароларнинг спиртли ичимликлар ва тамакига қарамлигининг олдини олиш-

Қонунда кўзда тутилатган асл мақсадни ушбу ҳужжат кучга киргунгача аҳолининг кенг қатламлари орасида тарғиб қилиш ва мазмун-моҳиятини тушунтириш эса барчамиз, айниқса, сиёсий партиялар вакиллари, жамоат ташкилотлари ва ОАВ олдидаги энг муҳим вазифага айланиши лозим.

ли етакчи ўринни эгаллаши ҳам унинг инсон саломатлиги учун ниҳоятда зарарли эканини кўрсатади, албатта. Жумладан, асаб-рухий, юрак-қон томир, жигар церрози ва саратон касалликларининг ривожланишига аксарият ҳолларда алкоголь ҳамда тамаки маҳсулотлари сабаб бўлади.

— Мазкур қонун ана шундай зарарли оқибатларнинг олдини олиш, аҳоли орасида тарғибот ишларини кучайтириш, спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари истеъмоли билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга қаратилган, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Бахриддин Бекжанов. — Унда алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқалиши ҳамда истеъмоли қилинишини чеклаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, бу турдаги маҳсулотларни сотиш, реализация ва реклама қилишнинг ҳуқуқий асослари белгилаб берилмоқда. Унга кўра, 20 ёшга тўлмаган шахслар алкоголь ва тамаки маҳсулотларини сотиш тақиқланади. АҚШ, Исландия, Ирландия ва Норвегия сингари давлатларнинг қонунчилик тажрибасидан унумли фойдаланган ҳолда ишлаб чиқилган ушбу ҳужжат ёш авлоднинг хар томонлама соғлом қилиб воёга етказишга қаратилган учун ҳам партияимизнинг дастурий мақсадларига тўла мос келади. Хусусан, қонунда алкоголь ва тамаки маҳсулотларини таълим, спорт ва диний муассасалардан беш юз метр узоқликда сотиш лозимлиги қатъий белгилаб қўйилди. Бу, энг аввало, ёшлар ўртасида шу турдаги маҳсулотлар тарқалишини камайтириш билан бирга жамоат жойларининг тозаллиги ва экологик

да тизимли ишлар амалга оширилатири. Жумладан, ўтган йили «Реклама тўғрисида»ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши алкоголь маҳсулотлар истеъмоли ва унинг рекламаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Қўмита томонидан мазкур қонуннинг ижроси юзасидан 700 га яқин назорат-таҳлил тадбирлари ўтказилди. 9 ойлик таҳлиллар алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг яширин рекламаси кескин камайганини кўрсатмоқда. Бироқ ана шундай чора-тадбирларга қарамай, халигача қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилмоқда.


Жорий йилнинг ўтган даврида худди шундай 355 та қонунбузарлик ҳолати аниқланиб, 90 миллион сўмлик жарима чоралари қўлланилди. 114 нафар мансабдор шахс эса 27 млн. сўм миқдоридagi жаримага тортилди. Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини тарғиб этиш, уларни истеъмоли қилишни рағбатлантирувчи, зарарсизлиги ҳақида тасаввурни шакллантирувчи гоғлар, қарашлар ҳамда бадий образларни ошқора ёки яширин шаклда тарқатишга қаратилган хатти-ҳаракатлар тақиқланишини назарда тутувчи ушбу қонун бундай қонунбузарликларга батамом чек қўйилишига асос бўлади.

Бир сўз билан айтганда, ушбу қонун моҳиятдан «Инсон саломатлиги ва унинг шаъни — олий қадрият», деган тамойилга асосланади. Унда кўзда тутилатган асл мақсадни қонун кучга киргунгача бўлган вақт оралиғида аҳолининг кенг қатламлари орасида тарғиб қилиш мазмун-моҳиятини тушунтириш эса барчамиз учун, айниқса, сиёсий партиялар вакиллари, жамоат ташкилотлари ва ОАВ олдидаги энг муҳим вазифага айланиши лозим.

ҲОЗИРЧА ИККИ ЮЗ ЎН МИНГ ДОНАСИ ФОШ ЭТИЛДИ

Қашқадарё вилояти божхоначилари ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбир чоғида Қарши шаҳрида ҳеч қандай лицензиясиз, турли мазмундаги DVD ва CD дискларни қонунга зид равишда кўпайтириб, мўмай даромад олаётганлар фаолиятини фож этилди. Хусусан, Ж.Ашууров, Б. Толипов, Д. Азимов, Р. Қурганбаев ва Х. Эшқулов 1222 донна контрафакт дискларни сотаётган пайтда қўлга олинди. Навоий вилояти божхоначилари эса 6600 донна дискни мусодара қилдилар. Сурхондарё вилояти божхоначилари томонидан ҳам йирик миқдордаги компакт дискларнинг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди. Республикаимиз худуди орқали ўтаётган юк поезди божхона кўригидан ўтказилганда, вагонлардан бирида юк кузатув ҳужжатларида қайд этилмаган 19 миң дондан ортиқ дисклар борлиги аниқланди. Болалар руҳиятига салбий таъсир кўрсатувчи турли ўйинлар ёзилган мазкур дискларнинг қиймати 57 млн. сўмдан ортиқ экани аниқланди. Умуман олганда, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида божхона ходимларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда олиб борган чора-тадбирлари натижасида 230 дан ортиқ қонунбузарлик ҳолатларида салкам 210 миң донна компакт дискларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйилди.

ДБК материаллари асосида Ш.ОХУНЖОНОВ тайёрлади.



Самарқанд дунё бозоридан мустақам ўрин эгалламоқда

2011 йилнинг 9 ойида вилоятдаги 57 та корхона томонидан 63823,8 минг АҚШ доллари миқдоридан маҳсулот экспорт қилинди

Муҳаббат РАВШАНОВА,
«XXI ASR»

Кўркам ва замонавий бинолар, улкан иншоотлар, сифатли маҳсулотлари билан хорижликларнинг ҳам эътиборини қозонаётган катта-кичик корхоналар, замонавий лойиҳалар асосида қурилган бозорлар бугунги Самарқанднинг қиёфаси, десак, муболаға қилмаган бўламиз.

Мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида бўлганидек, Самарқандда ҳам изчил амалга оширилаётган ислохотлар туфайли ҳатто энг чекка қишлоқларимиз обод бўлаёпти. Айниқса, коллеж ва мактаблар, қишлоқ врачлик пунктлари, савдо мажмуалари, маиший хизмат кўрсатиш уйлари қурилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соҳа мутасаддилари жорий йилнинг 9 ойида Инжиниринг компанияси бюртмаси асосида қад ростлаган 138 та бино ва иншоотнинг 59 таси умумтаълим мактаби эканини алоҳида таъкидламоқдалар. Энг муҳими, бугун вилоятнинг энг чекка ҳудудларида ҳам ана шундай замонавий зиё масканлари фойдаланишга топширилмоқда. Масалан, Нуробод туманининг тоғли ҳудудидан бунёд қилинган 60-умумтаълим мактаби «Қобил Мирзо» ХИЧФ тадбиркорларининг Истиқлолият 20 йиллигига муносиб тухфаси бўлди.

— Мактабимизнинг эски биноси 1975 йилда қурилган эди, — дейди мактаб директори Муҳаббат Абдуманнонова. — Тор ва қоронғу хоналарда дарс ўтардик... Албатта, бундай қурилиш ва бунёдкорлик ишлари жуда катта маблағ талаб этади. Шунинг учун ҳам вилоятда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ҳудуднинг экспорт салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада айна пайтда вилоятда экспортбон маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар сони 57 тага етказилди. Ўтган 9 ойда улар томонидан 63823,8 минг АҚШ доллари миқдоридан маҳсулот жаҳон бозорига чиқарилди.

— Бу борада «Пастдаргом саховати», «Ург Газ Карпет», «Сам Антеп Гилам», «Сафобахш сифат маҳсулотлари» МЧЖ, «Samrin Trade» хусусий корхоналари фаолиятини алоҳида тилга олиш

мумкин, — дейди вилоят Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармаси бошлиғи Отабек Бобоев. — Хорижга сотилаётган маҳсулотлар орасида гилам, фишт, гипс ва мрамор плиталар, консерваланган куруқ ва хўл мева, сабзавотлар, ип-калава, тракторларнинг эҳтиёт қисмлари ва тамаки салмоқли ўрини эгаллайди. Жорий йилда гипскартон ва микрокалцитларни четга сотиш ҳам йўлга қўйилди. Шу тариқа экспорт географиясини кенгайтириб бораёпмиз.

Айни пайтда Туркия, Эрон, Украина, Ирок, Австралия, Хитой, Виржиния ороллари, Молдова каби бир қатор давлатларда Самарқандда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар харидориги саналаёпти.

Экспортбон маҳсулотларнинг асосий қисми Пастдаргом тумани, Самарқанд шаҳри ҳамда Самарқанд тумани ҳиссасига тўғри келаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Масалан, «Сам-Фрут» Ўзбекистон-Швейцария қўшма корхонаси турли меваларни қуришти билан шуғулланади. Корхона раҳбари Денис Самарин-

нинг таъкидлашча, ўтган йили 700 минг АҚШ доллари миқдоридан маҳсулот экспорт қилинган.

Йирик туманлардан бири ҳисобланган Ургутда ҳам ўтган тўққиз ойда яппи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 11,9 фоиз, саноат маҳсулотлари эса 17,6 фоизга кўпайган. Ишлаб чиқариш ҳажми 68 млрд. 400 сўмни, халқ истеъмоли моллари тайёрлаш эса 38 млрд. 159 млн. сўмни ташкил этди.

— «2011-2015 йилларда Ургут туманида саноатни ривожлантириш дастури»га кўра, жорий йилда 14 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Учта янги корхона қурилса, 11 таси модернизация қилинади. Мазкур лойиҳаларга жами 7 млн. 720 минг АҚШ доллари миқдоридан маблағ сарфлаш кўзда тутилган, — дейди туман ҳокими Ҳиммат Окбутаев. — Йилнинг биринчи ярмида туманимизда 1 та янги саноат корхонаси ишга туширилди, 3 таси кенгайтирилди. Уларга 780 минг АҚШ доллари миқдоридан инвестиция жалб қилинди. Жумладан, «Фаворит инвест» хусу-

сий корхонасида кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган бўлса, «Бекмез Хали» ва «Тонг КЗ» корхоналари модернизация қилинди. Натижада 80 нафар киши иш билан таъминланди.

Туманда экспорт ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 5,9 мартага ошганини алоҳида таъкидлаш мумкин. Бунда қўшма корхоналар улуши 3 млн. долларни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 6 баробарга ўсган. Яъни, ўтган йили қўшма корхоналарнинг экспортдаги улуши 92,1 фоизга етган бўлса, бу йил 95,1 фоизлик марра эгалланди.

«Ург Газ Карпет» қўшма корхонаси томонидан 1 млн. 904 минг доллар, «Зилот классик» қўшма корхонасида 78,9 минг доллар, «Ург Антеп Яшам» қўшма корхонаси томонидан эса 299,1 минг доллар миқдоридан маҳсулот хорижга сотилган.

Туманда бунёдкорлик борасида ҳам изчил ишлар амалга оширилмоқда. Муҳташам «Ургут савдо мажмуаси» фойдаланишга топширилгани бунга мисол бўлиши мумкин. 23 млрд. сўм маблағ ҳисобидан бар-

по этилган ушбу мажмуа ҳамма харидорлар билан гавжум. 25 гектар майдонни эгаллаган, замонавий лойиҳа асосида бунёд этилган бозорда 1503 та дўкон, 8 та навилон, 10 та ошхона хизмат кўрсатмоқда. Бозорнинг қуйи қисмидаги қўшимча 600 та дўкон тадбиркорларнинг янада кенг фаолият юритишларига имконият яратади.

— Бу каби қўлайликлардан жуда хурсандимиз, — дейди тадбиркор Фахриддин Бахриев. — Менинг бундай ҳажмда 2 та дўконим бор. Кўп йиллардан бери матолар билан савдо қилиб келаялман. Олдин очиқ расталарда ишлардик. Қишда совуқ, ёзда иссиқ, хуллас, йил-ўн икки ой қийинчилик кўрардик. Сув ва электр энергияси таъминотида ҳам муаммолар кўп эди. Энди ҳаммаси ортда қолди.

Муҳтасар қилиб айтганда, Самарқанд вилоятда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар барча соҳаларда тараққиётга эришиш имконини бераёпти. Бу эса ўз навбатида шу заминда яшаётганлар тақдирига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмай қолмайди, албатта.

2011-ТАДБИРКОРЛИК ВА ХУСУСИЙ КИЧИК БИЗНЕС

Тадбиркор ҳуқуқи қонун ҳимоясида

АЙНИ ПАЙТДА СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА 24 МИНГДАН Ортиқ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ БЎЛИБ, УЛАР УЧУН ҚУЛАЙ БИЗНЕС МУХИТИ ЯРАТИШГА МАНФААТДОР ТАШКИЛОТЛАР ТОМОНИДАН АЛОХИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА

Ориф ЎЛМАСОВ,
«XXI ASR»

— Тадбиркорлар манфаатини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқий билимларини оширишда вилоят ҳокимлиги, ҳуқуқ-тартибот идоралари ва назорат қилувчи органлар, айниқса, Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан сайланган депутатлар ва партия фаоллари билан ҳамкорлик қўлайтирилмоқда, — дейди Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармаси бошлиғи Тўра Бобоев. — Шу ўринда вилоят учрашувларида тадбиркорлик субъектларининг 420 та мурожаати кўриб чиқилиб, 409 таси ижобий ҳал қилинганини таъкидлаш мумкин.

Жорий йилнинг 9 ойида жами **67 млн. 106,8 минг сўмлик консалтинг хизмати кўрсатилгани, шундан юридик хизматлар кўрсатиш 16 млн. 94,8 минг, таъсис ҳужжатлар тайёрлаш 9 млн. 372,7 минг, консалтинг хизматлар кўрсатиш 9 миллион 400 минг сўмни, бухгалтерия ҳисоботи ва ҳисоботларни ташкил этиш буйича 9 миллион 7 минг сўмни ва бошқа хизматлар 15 миллион 109,8 минг сўмни ташкил этди.**

Айни пайтда вилоятда фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъектларининг 783 таси ССП аъзо-си экани, 41 та йирик, 267 та кичик корхона, 153 та микрофирма, 8 та уюшма, 314 та яққа тартибдаги тадбиркор палата аъзоси сифатида мазкур муассасанинг реал қўмағидан фойдаланаётгани хусусий сектор билан ҳамкорлик яши самара бераётганидан далолатдир. Айни пайтда бошқарма тадбиркорлик субъектлари вакиллари малакасини ошириш, ўқитиш ва қайта ўқитиш буйича «Бизнес кўмакчи» унитар корхонасида замонавий тадбиркорликка оид ўқувлар ҳам ташкил этилаёпти.

Т.Бобоевнинг таъкидлашча, бизнес субъектлари ўртасида кооперацияни ривожлантириш, инновацион голярни амалиётда қўллаш буйича ҳам кенг қўламли хизматлар кўрсатилмоқда. Вилоятдаги кичик бизнес субъектларининг хориждаги кўргазмаларда иштирок этиши учун жорий йилнинг 2-4 июнь кунлари Хитой Халқ Республикасининг Гуанчжоу шаҳрида ўтказилган минителогиялар ҳалқаро ярмаркасига тадбиркорлардан иборат делегация юборилди.

Шу ўринда палата томонидан 6 та кўргазма ва ярмарка ташкиллаштирилиб, уларда 211 та битим имзоланишига эришилганини, 4 та тадбиркорлик субъектининг 20 млн. 139 минг АҚШ доллари миқдоридан маҳсулотини экспорт қилишга амалий ёрдам берилганини таъкидлаш мумкин. 16 та корхонанинг 3 млн. 654 минг АҚШ доллари миқдориданги технологик ускуналарни олиб келишига ҳам бошқарма яқиндан ёрдам берди.

Тадбиркорларнинг палата фаолиятига бўлган ишончи мавжуд қарздорликларни ундириш жараёнида янада мустаҳкамланмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида палата томонидан тадбиркорлик субъектларининг 443 та даъво аризаси ҳужжали ҳамда фуқаролик судларига киритилди. Ҳозирги кунга келиб жавобгарлардан суд қарорига асосан 5 538 417 978 сўм миқдоридан қарзлар ундириб берилди. 3 та 52 365 272 364 сўмлик даъво аризаси эса судга қилинган асосида ҳал этилди. Қолган 154 та қарздорликни ундириш буйича аризалар кўриб чиқилмоқда. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш Сурхондарё вилоят кенгашининг режали ва режадан ташқари текширишларида тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида 39 та тадбиркорлик субъектидаги текширув юзасидан палата вакили мониторинг ўтказганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Айни пайтда ҳудудий бошқарма ҳузурда, шаҳар ва туманлардаги 6 та Ахборот-маслаҳат маркази ҳамда 4 та Бизнес-марказ фаолият олиб бораётганига алоҳида эътибор қаратилаёпти. Жорий йилнинг 9 ойида жами 67 млн. 106,8 минг сўмлик консалтинг хизмати кўрсатилгани, шундан юридик хизматлар кўрсатиш 16 млн. 94,8 минг, таъсис ҳужжатлар тайёрлаш 9 млн. 372,7 минг, консалтинг хизматлар кўрсатиш 9 миллион 400 минг сўмни, бухгалтерия ҳисоботи ва ҳисоботларни ташкил этиш буйича 9 миллион 7 минг сўмни ва бошқа хизматлар 15 миллион 109,8 минг сўмни ташкил этгани ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар ҳам ибратга лойиқ эканини кўрсатиб турибди.

Хулоса қилиб айтганда, ССП ва унинг жойлардаги ҳудудий бошқармалари фаолияти йилдан-йилга кенгайиб, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорларнинг яқин кўмакчисига айланиб бормоқдалар.



Нон азалдан халқимизнинг энг қадри таоми саналади. Дастурхонга аввал нон, шундан кейингина бошқа неъматлар тортилишининг боиси ҳам ана шунда. Нововийлик юртимизда энг нозик ва энг зарур касблардан бири ҳисобланиши ҳам бежиз эмас.


Пойтахтимиздаги «Ширмой пазандаси» МЧЖда бугунги кунда 20 нафар ишчи-хизматчи турли хил нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариб, халқимиз дастурхонини тўқин қилишга баракали ҳисса қўшиб келмоқда. Бир кеча-кундузда 10 тонна нон ва нон маҳсулотлари тайёрланаётган мазкур корхонада талаба-ёшлар ҳам ўқишдан бўш пайтларида ишлаб, нозик касб сирларини ўзлаштиришяпти. Жорий йилнинг ўтган 9 ойида ушбу ахил жамоа томонидан 441 млн. 699 минг сўмлик маҳсулот истеъмолчиларга етказиб берилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 193,8 фоизни ташкил этади.

— Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка яратиб берилган кенг имкониятлардан унумли фойдаланиб, корхонани техник ва технологик жиҳатдан модернизациялашга алоҳида эътибор қаратаёلمиз, — дейди МЧЖ раҳбари, таникли уста-новвой Баҳром Мирзараҳимов. — Энг муҳими, ишлаб чиқариш қувватлари ортгани сайин жамоа аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш имкониятлари ҳам кенгайиб бораёпти.

БАНК ТИЗИМИ

web sayti: www.21asr.uz

Эл-юрт манфаати йўлида



ХУСУСИЙ ЁПИК АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРAT «ОРИЕНТ ФИНАНС БАНК»
ТОМОНИДАН КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИДА ЎРТА
КАТЛАМ ВАКИЛЛАРИ УЧУН 11 МЛРД. СЎМДАН ЗИЁД КРЕДИТЛАР АЖРАТИЛДИ

Албатта, кучли молиявий рақобат шароитида тадбиркорлик билан иш юритишда ҳикмат кўп. Банк жамоаси буни дилдан ҳис этиб, хизмат сифати ва маданиятини оширишга ҳаракат қилмоқда. Ажратилган сармоялар, хусусан, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва технологик янгилаш, инновацион лойиҳаларни молиялаштириш, шунингдек, бошланғич сармояни шакллантириш ва айланма маблағларни тўлдириш учун барча имкониятлардан фойдаланилаётди. Жорий йилда 21 млрд. сўм миқдордаги шартномалар имзоланган. Шундан қисқа муддатли кредитлар салмоғи 16 млрд. сўмни, узоқ муддатли эса 5 млрд. сўмни ташкил этмоқда.

Президентимизнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қўллай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги фармони ҳамда «Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарори талабларидан келиб чиқиб, тармоқда тўб ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Дейлик, айни кунда миллий валютада ҳисобрақами очган кичик бизнес субъектларидан аризалари уч кун ичида кўриб чиқилиб, ҳал этилаётди. Бу эса миқозларга жуда маъқул келмоқда. Қолаверса, кичик бизнес вакиллари энг кам иш ҳақининг йигирма баробари миқдоригача бўлган нақд пул тушумини



банкка мустақил равишда топшириш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Умуман олганда, «Ориент финанс банк» молия бозорида ўз мавқеини мустаҳкамлаш, иқтисодий ислохотларнинг фаол иштирокчисига айланишга интилиб, бу борада барча ички имкониятлардан фойдаланаяпти. Банк сармоялари асосан тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжалиқлари эҳтиёжларини қондириш, мини технологиялар ва илҳам асбоб-ускуналар харид қилиш, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиқ маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда бошқа мақсадлар учун йўналтирилмоқда.

Иқтисодийнинг ҳозирги раванқини лизинг хизматларисиз тасаввур этиш қийин, албатта. Зотан, ушбу жараён

ишлаб чиқаришни модернизациялаш, жойларда соғлом рақобат муҳитини шакллантириш билан чамбарчмас боғлиқдир. Мамлакатимизда амалга оширилаётган тўб ислохотлар лизинг хизматлари бозорини босқичма-босқич ривожлантириш имконини бермоқда. Натижада ялли ички маҳсулот ҳажмида лизинг операциялари улуши тобора ошиб, ушбу фаолият тури билан шуғулланадиган молия муассасалари, компания ва кредит уюшмалари кўпайиб бораёпти. Жорий йилнинг ўзида «Ориент финанс банк» томонидан лизинг хизматлари учун 1 млрд. сўм маблағ йўналтирилди. Чет эл сармояси улушига эга бўлган корхона ва ташкилотлар ҳам банк томонидан ақдқиллик билан қўллаб-қувватланмоқда. Амалдаги йилда ушбу мақсадлар учун 9 млрд. сўм кре-


дит маблағи ажратилганлиги фикримиз исботидир. Бир сўз билан айтганда, «Ориент финанс банк» миқозларга барча турдаги замонавий хизматлар кўрсата оладиган универсал кредит ташкилотига айланиб бормоқда. Хоҳ юридик, хоҳ жисмоний шахс бўлсин, молия муассасаси кўмагидан ҳурсанд. Жорий йилнинг ўзида жисмоний шахсларга 663 млн. сўм миқдорда кредит ажратилганлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди. Банк жамоаси бозор талабларидан келиб чиқиб, хизмат кўрсатишнинг оддий, қўлай ва замонавий усулларини ҳаётга кенг жорий этмоқда. Мақсад аниқ: миқозлар саноати янада кенгайтириш, уларнинг ишончини тўла қозониш ва шу орқали мамлакат молия бозоридан муносиб ўрин эгаллашдир.

Мижозлар сафи кенгаймоқда

«ASIA ALLIANS BANK» ХУСУСИЙ ОЧИК АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРAT БАНКИ ЎЗ
ФАОЛИЯТИНИНГ ДАСТЛАБКИ КУНЛАРИДАН ОҚ МИЖОЗЛАРГА НАМУНАЛИ
ХИЗМАТ КЎРСАТИБ, УЛАРНИНГ ЮКСАК ИШОНЧИГА САЗОВОР БЎЛМОҚДА



Бунга, шубҳасиз, ишни оқилона ташкил этиш, жаҳон молия бозоридаги илғор тажрибалардан умумий фойдаланиш ҳисобига эришилаётди. Доимий изланиш аҳил жамоа учун янгиликдан янги истиқболлар очмоқда. Жорий йилнинг 1 сентябрь ҳолатига миқозлар сони 10,5 мингга етган. Улар орасида қўшма корхоналар, турли молиявий ташкилотлар, давлат муассасалари, шунингдек, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган йирик халқаро корпорациялар бор. Жисмоний шахсларга чакана банк хизмати кўрсатиш муассаса фаолиятининг стратегик йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Хусусан, Президентимизнинг 2009 йил 6 апрелдаги «Аҳоли ва хўжалиқ йўртувчи субъектлар эркин пул маблағини тижорат банкларидаги омонатларига жалб қилишни янада рағбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Омонатлар фуқароларнинг ижтимоий ва ёш тоифаси ҳисобга олинган ҳолда жорий этилиб, муттасил янгиланб бораёпти. Бу, албатта, ҳар икки томон учун катта манфаат келтираётди. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 15 хил янги омонатлар жорий этилган. Шундан 7 таси миллий валютадаги омонатлардир.



Маълумки, ҳар бир банк фаолиятида аҳоли жамғармалари асосида ресурс босиб ошириб бориш муҳим аҳамият касб этади. «Asia Allians Bank» жамоаси ҳам шуни назарда тутиб,

депозит турларини кўпайтиришга қаратилган турли маркетинг тадқиқотлари олиб бормоқда. Натижада йил бошидан буён жисмоний шахсларга учта янги омонат тури тақлиф этилди. Депозит ҳисоблари бўйича уларнинг сафи янада кенгайди.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини ривожлантириш-

га ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Жумладан, банк томонидан уч мингга яқин пластик карточка муомалага чиқарилиб, жойларда юзта савдо терминали ўрнатилди. Бу эса миқозларга ҳар жиҳатдан қўл келмоқда. «Asia Allians Bank» жорий йил май ойидан бери «Visa International» компаниясининг ассоциа-

лашган аъзоси саналади. Хитойнинг «China Union Pay» компанияси билан ҳам худди шундай келишувга эришилди. VISA пластик карточкалари ва терминаллари кичириш ҳамда етказиб бериш бўйича шартнома имзоланиб, олдиндан ҳақ тўланди.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ижросини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиш жамоанинг асосий мақсадларидан биридир. Шу боис барча ички имкониятлар тўла сафарбар этиляпти. Иқтисодийнинг реал секториди иш олиб бораётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўз вақтида молиялаштирилмоқда.

Ҳозиргача ажратилган 33,9 млрд. сўм миқдордаги кредит маблағларидан 30,8 млрд. сўми хусусий мулкчиликни ривожлантириш учун йўналтирилганлиги фикримиз далилидир. Тезкор пул жўнатмалари бозоридида ишлар ҳам босқичма-босқич давом эттирилмоқда. Ўтган биринчи ярим йилликда халқаро пул ўтказмалари айланма ҳажми анчагина ошди. Эндиликда банкнинг «Лабзак», «Дунё» ва «Летний» масканларида аҳолига барча турдаги чакана хизматлари кўрсатилмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, «Asia Allians Bank» мамлакат равнақи, эл фаровонлиги йўлида самарали фаолият юритиб, иқтисодий соҳадаги ислохотларни чуқурлаштиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Эришилган дастлабки натижалар жорий йил жамоа учун муваффақиятли яқунлашидан далолат бериб турибди.

Кичик бизнес учун микрокредитлар

БУНДАН БЕШ ЙИЛ МУКАДДАМ ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ
БОШЛАГАН «МИКРОКРЕДИТБАНК» ЎТГАН ДАВР
МОБАЙНИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ
ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА 760,8 МЛРД. СЎМ
МИҚДОРИДА КРЕДИТЛАР АЖРАТДИ

Мамлакатимизда кичик бизнесни микромолиялашга ихтисослашган мазкур банкнинг аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, жойларда янги иш ўринлари ташкил этиш, оилавий бизнесни йўлга қўйишдаги хизматлари ҳақиқатан ҳам беҳисобдир. Тома-тома кўл бўлур, деганларидек, таҳлилчилар нисбатан қисқа вақт ичида аҳолига ажратилган 470,3 млрд. сўмлик микромолиявий хизматлар эвазига 430 мингга яқин иш ўринлари яратилганини алоҳида таъкидламоқдалар.

Жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида эса кичик бизнесга 225 млрд. сўм миқдорда кредит ажратилгани ҳисобидан 72251 та янги иш ўрни яратилди. Имтиёзли микромолиявий хизматлар ҳажми 126,8 млрд. сўмни ташкил этиб, бу борада белгиланган прогноз режаси 101,6 фоизга бажарилди. Таъкидлаш жоизки, ажратилган маблағларнинг 78,7 млрд. сўми кичик бизнесни ривожлантириш, 29,5 млрд. сўми микролизинг хизматлари, 18,5 млрд. сўми бошланғич сармояни шакллантиришга



Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 10 ноябрдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги фармонидан сўнг 5 фоиз ўрнига 3 фоизли кредитлар бериш йўлга қўйилди.

йўналтирилган.

Дастлаб иқтисодийнинг аниқ йўналиши ва соҳаларини қўллаб-қувватлашга қаратилган мазкур молия муассасаси йилга бор-йўғи 5 фоизли бошланғич сармоялари ҳамда 7 фоизли микролизинг хизматлари билан миқозлар эътиборини қозongan бўлса, давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 10 ноябрдаги «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги фармонидан сўнг 5 фоиз ўрнига 3 фоизли кредитлар бериш йўлга қўйилди. Микролизинг хизматлари фозизи ҳам камайтилди. Бу эса ўз навбатида, «Микрокредитбанк»нинг аҳоли қатламларини ўзига кенг жалб эта олган молия муассасасига айланишини таъминлаб берди. Банкнинг устив капитални икки баробардан зиёд қўпайтирилиб, 150 млрд. сўмга етказилгани эса бу борада кенг қўлмал ишлар олиб бориш имконини берди.

— 2004 йилда тадбиркорлик фаолиятини бошлаганман, — дейди Марғилон шахридаги «Аҳортех» хусусий фирмаси раҳбари Акбархон Маҳмудов. — Бунгача турли давлат идораларида ишлаб, банклар билан тўғридан-тўғри муносабатда бўлмагандим. Собик «5-МКК» активларини сотиб олиб, хусусий иш бошлаганимдан буён «Микрокредитбанк» Фарғона филиали

билан яқин ҳамкорлик қилаяпман. Ўтган йиллар мобайнида йилга 5 млн. сўмлик иш бажариб келган корхона фаолиятини кенгайтириб, 2011 йилда 1 млрд. 323 млн. сўмлик хизмат кўрсатдик. Бундай натижага эришишда банк ҳодимларининг муносиб ҳиссалари бор, албатта. Улар нафақат молиявий қўллаб-қувватлаш, балки амалга ошираётган ҳар бир лойиҳани синчиқлаб ўрганиб чиқиб, иқтисодий жиҳатдан асосланган ҳулосалари билан ҳам яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Банк фаолиятини шунага ўхшаш қўллаб-қувватлаш мисоллар келтириш мумкин. Чунончи, юқорида «Микрокредитбанк» аҳоли барча қатламларини ўзига жалб эта олган йирик муассасага айланишини бежиз таъкидламадик. Масалан, биргина яқна тартибдаги тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётганининг ўзидек аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда катта ўрин тутмоқда. Хусусан, жорий йилда Андижон, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида банк сармояси ҳисобидан зотдор товуқларни саноат асосида парвартириш йўлга қўйилди. Натижада мазкур ҳудудларда туҳум ва пархезиш товуқ гушти етиштириш сезиларли даражада ортди. Энг муҳими, қишлоқ жойлардаги минглаб хонадонлар дастурхонига файз-барока кирди.

Таъкидлаш жоизки, хотин-қизларни, айниқса, чекка ҳудудларда истиқомат қилувчи аёлларни иш билан таъминлаш, уларнинг жамиятда туган ўрни ва фаолиятини оширишга давлат сиёсати даражасида аҳамият қаратилаётган бир пайтда мазкур вазифага ҳам «Микрокредитбанк» бошқаруви ҳамда унинг жойлардаги филиаллари алоҳида эътибор бермоқдалар. Жумладан, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан тадбиркорлик борасида намунали ҳисобланган 14 та тумандаги ишбилармон аёлларни молиявий қўллаб-қувватлашга қиришилди.

Маълумки, ҳар бир банк фаолиятида аҳоли жамғармалари асосида ресурс босиб ошириб бориш муҳим аҳамият касб этади. «Asia Allians Bank» жамоаси ҳам шуни назарда тутиб,

Аср кашфиёти

2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иктисодий инкирозининг навбатдаги тўлкини Европада юз бериши мумкинлиги тўғрисидаги баҳоратлар дунё миқёсида яна кичик бизнесни ривожлантиришни долзарб масала сифатида кун тартибига кирита бошлади

Файзулло
АБДУЛБОКИЕВ

Маълумки, тарихда ҳам, бугунги кунларимизда ҳам тадбиркор ва ишбилармон инсонлар ҳар қандай давлатнинг таянчи ва сунъи, ҳар қандай жамиятнинг устуни бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда.

Шу ўринда XXI асрнинг 90-йилларида оёққа тура бошлаган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тузилмалари ўзининг бардошлилиги билан дунёда йирик монополиялар ҳукмронлиги тўғрисидаги қарашларни чиппака чиқараётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Тан олиш керак: 90-йилларнинг ўрталарида ҳатто АҚШда ҳам камида 20 кишидан иборат иш ўрни яратган кичик тадбиркорлик субъектлари жами янги иш ўрнининг 60 фоизини ташкил этган эди. Айниқса, хизмат кўрсатиш соҳасида 25 миллион фуқаро иш билан таъминланган бўлса, йирик корпорациялар, аксинча, 3 миллионга иш ўрнини қисқартиришга мажбур бўлди. 2008 йилда бошланган ва ҳали ҳануз давом этаётган глобал инкироз шароитида ҳам айнан йирик корхоналар 30 миллион ишчи-хизматчини бўшатгани дунё миқёсида кичик ва хусусий бизнесга нисбатан муносабатнинг тубдан ўзгараётганини аниқлади.

Таҳлилчиларнинг фикрича, Англияда 200 нафардан кам, қурилиш соҳасида 25 кишидан ортқ бўлмаган, АҚШда эса 20 нафардан 500 нафаргача иш ўрни яратган корхоналар кичик бизнес субъектлари, деб юритилади. Маълумотларга қараганда, АҚШда ишлаб чиқарилаётган ялпи миллий маҳсулотда кичик бизнеснинг улуши 40 фоизни ташкил этса, Германияда ялпи ички маҳсулотнинг учдан икки қисми 2,1

кич бизнес субъектларининг маъноси тобора ортиб бораёпти?

Экспертларнинг фикрича, асосини оилавий бизнес ташкил этаётган «яратувчанлик тамойили» кичик корхоналар бардавомлигини таъминлаб бераётган асосий омилдир. Ҳар қандай тадбиркор кучли рақобат муҳитида яшаб қолиш учун, албатта, ўз маҳсулотининг сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратади. Истеъмолчи эҳтиёжини

тан маҳсулот сифатини ошириш борасида «Сифат назорати» тўғрисида таҳсил олган мутахассислар ўрни беқиёс бўлганини мутахассислар ҳамон эътироф этмоқдалар. Дарҳақиқат, Япония ва Жанубий Корея каби табиий бойликлари ниҳоятда чекланган давлатлардаги шароит кўпроқ ақлга таянишни талаб этади. Ҳаётнинг турли соҳа ва тизимларини ривожлантириб, жамиятнинг ҳаракатга келтирадиган



Ҳаётнинг турли соҳа ва тизимларини ривожлантириб, жамиятнинг ҳаракатга келтирадиган тадбиркорлик энг оғир муаммо — ишсизликни ҳал этишда муҳим роль ўйнашини таъкидлашга ҳожат бўлмаса керак. Мутахассисларнинг фикрича, кичик бизнес янги технологияларни ҳаётга татбиқ этишда ҳам алоҳида фаоллик кўрсатмоқда.

миллионга майда ва ўрта бизнес субъектлари ҳиссасига тўғри келади. Франциянинг кичик ва ўрта корхоналарида фаолият олиб бораётган 12 миллион ишчининг инвестициялардаги улуши 48 фоиз, савдо айланмасида 60,2 фоиз, экспортда 49,6 фоизни ташкил этади.

Шу ўринда табиий савол туғилади. Трансмиллий бизнес куч-қудратига қарамай, нега ки-

тадбиркорлик энг оғир муаммо — ишсизликни ҳал этишда муҳим роль ўйнашини таъкидлашга ҳожат бўлмаса керак. Мутахассисларнинг фикрича, кичик бизнес янги технологияларни ҳаётга татбиқ этишда ҳам алоҳида фаоллик кўрсатмоқда. Чунки ривожланган мамлакатлар тажрибаси кичик бизнес иктисодиётини бошқаришнинг самарали шакли ва янгиликларга нисбатан яшов-

чан эканини аллақачон исботлаб бўлди. Бозор шароити ўзгаришларига мослашувчанлик, шахсий ташаббуслар учун кенг имкониятлар мавжудлиги соҳа муваффақиятига кенг йўл очаётир. Бугун нафақат Фарб, балки собиқ социалистик давлатларда кичик бизнес ўзига хос тадбиркорлик рамзи сифатида эътироф этилмоқда ва ҳар қандай жамият тараққиёти бевосита кичик ва ўрта тоифага кирувчи тадбиркор кадрларни тайёрлашга боғлиқлиги алоҳида аҳамият қаратаётган. Жаҳонда айнан ушбу йўналишга мос мутахассислар етиштириш юзлаб мактаб ва махсус марказлар иш юритаётгани бунинг яққол исботидир. Худди шундай давлат идораларининг бизнесга қулай шарт-шароит яратиш борасидаги роли ошиб бораётганини шу билан изоҳлаш мумкин.

Шубҳасиз, ҳар қандай жамиятда у ёки бу қатлам манфаатларини, хоши-иродаси ва орзу-истакларини рўёбга чиқаришга интиладиган ҳаракатлар, уюшмалар ва сиёсий партиялар бўлади. Бундай бирлашмалар давлатнинг қонунчилик органларига у ёки бу даражада таъсир ўтказишга уринадилар. Чунки тадбиркорликка оид қонунлар бозор ислохотларини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Ана шу нуқтаи назардан деярли ҳар бир демократик давлатда улар манфаатини ҳимоялайдиган ташкилот ёки гуруҳлар фаолият кўрсатади. Олайлик: АҚШда Савдо палатаси тадбиркор олдидаги биринчи даражали вазифалар хусусида ҳар йили мамлакат президенти га хисобот тайёрлайди. Бу маълумотлар бўлғуси сиёсий йўналишларни шакллантириш ва тегишли қарорлар қабул қилишда кўл келади.

Бозор шароити ўзгаришларига мослашувчанлик, шахсий ташаббуслар учун кенг имкониятлар мавжудлиги соҳа муваффақиятига кенг йўл очаётир. Бугун нафақат Фарб, балки собиқ социалистик давлатларда кичик бизнес ўзига хос тадбиркорлик рамзи сифатида эътироф этилмоқда ва ҳар қандай жамият тараққиёти бевосита кичик ва ўрта тоифага кирувчи тадбиркор кадрларни тайёрлашга боғлиқлиги алоҳида аҳамият қаратаётган. Жаҳонда айнан ушбу йўналишга мос мутахассислар етиштириш юзлаб мактаб ва махсус марказлар иш юритаётгани бунинг яққол исботидир. Худди шундай давлат идораларининг бизнесга қулай шарт-шароит яратиш борасидаги роли ошиб бораётганини шу билан изоҳлаш мумкин.

Шубҳасиз, ҳар қандай жамиятда у ёки бу қатлам манфаатларини, хоши-иродаси ва орзу-истакларини рўёбга чиқаришга интиладиган ҳаракатлар, уюшмалар ва сиёсий партиялар бўлади. Бундай бирлашмалар давлатнинг қонунчилик органларига у ёки бу даражада таъсир ўтказишга уринадилар. Чунки тадбиркорликка оид қонунлар бозор ислохотларини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Ана шу нуқтаи назардан деярли ҳар бир демократик давлатда улар манфаатини ҳимоялайдиган ташкилот ёки гуруҳлар фаолият кўрсатади. Олайлик: АҚШда Савдо палатаси тадбиркор олдидаги биринчи даражали вазифалар хусусида ҳар йили мамлакат президенти га хисобот тайёрлайди. Бу маълумотлар бўлғуси сиёсий йўналишларни шакллантириш ва тегишли қарорлар қабул қилишда кўл келади.

ЭЪЛОН

О'ЗСANOATQURILISHBANK

Хизматлар лицензияланган

Куйидаги омонат турларини таклиф этади:

Т/р	Омонат (депозит) номи	Муддати	Бошланғич бадал
Миллий валютадаги омонатлар			
1	"Талаб қилиб олгунча"	муддатсиз	Чекловсиз
2	"Мақсадли"	муддатсиз	Чекловсиз
3	"Болалар мақсадли омонати"	10 йил	Чекловсиз
4	"Фидойи"	1 йилдан кам бўлмаган	Чекловсиз
5	"Наврўз тўғриси"	1 йилдан кам бўлмаган	Чекловсиз
6	"Коммунал хизматлари тўловига"	2 йил	Омонат мўддатини бекитиш имконияти (физик шахсларгагина)
7	"Ғаройиб"	1 ой	Чекловсиз
8	"Қўлдам"	2 ой	Чекловсиз
9	"Омад" буюм-нопуқли	18 ой	Чекловсиз
10	"Мадад-1"	3 ой	Чекловсиз
11	"Мадад-2"	4 ой	Чекловсиз
12	"Мадад-3"	6 ой	Чекловсиз
13	"Соврин-1"	15 ой	Чекловсиз
14	"Навқирон"	3 ой	Чекловсиз
15	"Қамолот"	6 ой	Чекловсиз
16	"Ҳада"	9 ой	Чекловсиз
17	"Фойда"	14 ой	Чекловсиз
18	"Мадад-4"	9 ой	Чекловсиз
19	"Баркамол-1"	3 ой	Чекловсиз
20	"Ривож"	3 ой	Чекловсиз
21	"Юксалиш"	30 ой	Чекловсиз
22	"Қўлдам-1"	3 ой	Чекловсиз
23	"Тинчлик"	100 кун	Чекловсиз
24	"ЛИДЕР"	6 ой	Чекловсиз
25	"Ҳамкорлик"	12 ой	Чекловсиз
Хорижий валютадаги омонатлар			
1	"Талаб қилиб олгунча"	муддатсиз	Чекловсиз
2	"Муддатли"	1 йилдан кам бўлмаган	Чекловсиз
3	"Капитал" АҚШ долларларида	6 ой	Чекловсиз
4	"Манfaat-2"	7 ой	Чекловсиз
5	"Соврин-2"	12 ой	Чекловсиз
6	"Истиқбол-2"	3 ой	Чекловсиз
7	"Мультивалютали"	18 ой	Чекловсиз

Омонатингизни бизда сақлаб, даромад олинг!

"Ўзсаноатқурилишбанк" да сақланувчи аҳоли омонатлари "Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди" томонидан кафолатланган.

Мурожаат учун телефон: 120-45-24 www.uzpsb.uz

ҲОЗИРЧА 66 ФОИЗ



Британия парламенти вакиллар палатасининг депутатлари 24 октябрь кунини мамлакатни ЕИ таркибидан чиқариш юзасидан ўтказилиши лозим бўлган референдумга қарши овоз бердилар. Маълумотларга қараганда, мазкур умумхалқ сўровининг ўтказилишига депутатларнинг 111 нафари розилик билдирган, холос. 483 нафар депутат эса қарши эканлигини баён этган. Қизиги шундаки, хайрихоҳ эмасларнинг асосий қисми Лейбористлар партияси вакилларидир. Мамлакат бош вазири Дэвид Кэмерон ҳам парламент аъзоларини референдумга қарши овоз беришга чақириб, Европа ҳозир оғир дамларни бошдан кечираётганини инобатга олишларини сўраган. Эслатиб ўтамиз, референдум ўтказиш фикрини илгари сурган Дэвид Наттэлл консерватив партия аъзосидир. Жаҳон оммавий аҳборот воситалари хабарига кўра, айни кунларда 66 фоиз британиялик референдум ўтказилиши тарафдоридир.

КУРАШ ДАВОМ ЭТАДИ



Болгариянинг амалдаги ҳукуматини бошқараётган партия етакчиси Росен Плевнелиев президентлик сайловларида 60 фоиз овоз билан етакчилик қилмоқда. Марказий сайлов комиссияси раиси Ралица Негенцованинг маълум қилишича, 57,3 фоиз овоз ҳисоб-китоб қилинганда унинг 39,67 фоизини Плевнелиев қўлга киритган. Асосий рақиб ҳисобланмиш социалистик партия вакили Ивайло Калфин эса 29,75 фоиз овоз билан иккинчи ўринда бормоқда. Сайловларда ғолиб бўлиш учун эса номзод камида 51 фоиз овоз тўплаши кераклиги белгиланган. Агар номзодлардан бири белгиланган овозни тўплай олмаса, у ҳолда 30 октябрда мамлакатда президентлик сайловларининг иккинчи босқичи ўтказилади. Таҳлилчилар биринчи турда 18 нафар номзод иштирок этаётганини алоҳида таъкидламоқдалар. Маълумки, Болгария президенти мамлакатда асосан расмий лавозим ҳисобланиб, кўпгина ваколатлар бош вазирага тегишлидир. Аммо шунга қарамай, ташқи сиёсатни олиб бориш, қуролли кучларнинг олий бош қўмондонини сифатида фаолият юритиш давлат бошлиғи ваколатига кирди. Бундан ташқари, Президент парламент томонидан қабул қилинган қонунлар устидан вето қўйиш ҳуқуқига ҳам эгадир.

Ақбар МУЗАФФАРОВ тайёрлади

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент вилоят кенгаши, О'зЛиДеР Чиноз туман кенгаши раиси, халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгаши депутати Анвар Бўриевга волидаи муҳтарамлари **Мубор** аянинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.


СЎНГГИ САҲИФА

web sayt: www.21asr.uz

Тошкент — сайёҳлик форуми мезбони

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 2-4 НОЯБРЬ КУНЛАРИ ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»ДА «ИПАК ЙЎЛИ БЎЙЛАБ ТУРИЗМ» НОМЛИ АНЪАНАВИЙ ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО САЙЁҲЛИК ЯРМАРКАСИ БЎЛИБ ЎТАДИ

Шухрат ХЎЖАЕВ,
«XXI ASR»



«Ўзбектуризм» миллий компанияси ҳамда Ўзбекистон сайёҳлик агентликлари ассоциацияси томонидан 1995 йилдан буён ўтказиб келинаётган мазкур тадбирда юртимизда фаолият кўрсатувчи 60 дан ортиқ ҳамда БАА, Испания, Исроил, Италия, Малайзия, Миср, Россия, Туркия, Туркменистон, Франция, Хитой ва Ҳиндистон каби ўнлаб хорижий давлатлардан келган 50 га яқин туристик компания иштирок этиши режалаштирилган. Бундан ташқари, Марказий Осиё минтақасида ўтказиладиган энг йирик сайёҳлик анжуманига фохрий меҳмон сифатида БМТнинг Бутунжаҳон туризм ташкилоти — UNWTO мутасаддилари, шунингдек, мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти билан танишишни мақсад қилган 500 дан ортиқ туристик компаниялар вакиллари ва 100 нафарга яқин хорижий журналист ташрифи кутилмоқда.

— Аини кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган 700 дан ортиқ туристик ташкилот, шу жумладан, 300 га яқин меҳмонхона юртимизнинг бетакрор осоротиқалари ва жаннатмонанд гўшаларини ўз кўзи билан кўришни

ният қилган юртдошларимиз ва чет эллик меҳмонларга сифатли сайёҳлик хизматларини кўрсатмоқда, — дейди «Ўзбектуризм» МК матбуот котиби Феруза Ақиборова. — Аҳамиятлиси, сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг ички ва ташқи туризм йўналишларида сезиларли ўсиши қайд этилди. Масалан, 2009 йили мамлакатимизга 1 миллион 250 минг нафар сайёҳ ташрифи буюрган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 6,9 фоизга ўсиб, 1 миллион 353 минг нафарни ташкил этди. 2011 йилнинг биринчи ярмида эса сайёҳлик хизматларини кўрсатиш суръати ундан олдинги мавсумнинг ана

шу даврига нисбатан 27 фоизга ўсди. Яқинда эса ўзбек туризми тарихида янги саҳифа очилди: мамлакатимиз томонидан юртимиз ҳудудида жойлашган 4000 дан ортиқ қадимий ёдгорликларни асраб-авайлаш, маданий қадриятларни тиклаш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ишларни юқори баҳолаган БМТнинг Бутунжаҳон туризм ташкилоти Кёнжу (Жанубий Корея) шаҳрида бўлиб ўтган Бош асамблеясида 150 дан ортиқ аъзо-давлат орасидан Ўзбекистонни UNWTOнинг 2011-2015 йилги даври учун Ижрокўми аъзоси сифатида қабул қилди.

Бундай натижаларга

осонликча эришилгани йўқ, албатта. Зеро, мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ юртимизда сайёҳликни ривожлантириш, соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш орқали тизим фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент каби қадимий шаҳарларимизда замонавий меҳмонхоналар, кафе ва ресторанлар, спорт мажмуалари ва бошқа дам олиш масканлари қурилиб, сайёҳларнинг имкони борица кўпроқ туристик объектларни томоша қилишлари учун уларга барча қулайликларга эга бўлган транспорт воситалари — сўнгги рўсумдаги автобуслар, самолётлар, тезюрар поездлар ташкил этилди. Мамлакатимизнинг бир қатор олий ва ўрта-махсус ўқув юрларида туризм таълими бўйича янги йўналишлар очилди. Ишончимиз қомилки, мазкур халқаро сайёҳлик ярмаркаси соҳанинг янада ривожланишига хизмат қилади.

«ҚОПЛОН» ЮРИШИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Маълумки, аҳолининг экологик маданиятини ошириш, атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш, айниқса, ёшларда бу борадаги кўникмаларни шакллантириш долзарб вазифалардан биридир. Шу жиҳатдан атроф-муҳит муҳофазаси билан боғлиқ энг яхши журналистик иш учун «Қоплон-2011» биринчи республика кўрик-танловининг эълон қилиниши айни мuddа бўлди. Эслатиб ўтайлик: бирмунча вақт илгари республикаимизнинг нуфузли матбуот нашрлари, радио ва телевидение ижодкорлари, «Экосан» халқаро ташкилоти, шунингдек, Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси масъул ходимларидан иборат гуруҳ аъзолари Оҳангарон кўмири қони, Айдар—Арносай кўл тизими, Бурчмулла ва Сайхун ўрмон хўжалиқларида бўлиб, бой таассуротлар билан қайтган эдилар. Қуни кеча улар Бухоро вилоятининг «Жайрон» экомаркази ҳамда Ромитан туманидаги 11-сонли ихтисослашган экология мактаб-интернатига бўлдилар. Гуруҳ аъзоларининг ўқувчи-ёшлар билан юзма-юз мулоқотлари унутилмас таассуротларга бой бўлди. 17 йил муқаддам ташкил этилган ушбу билни ва тарбия масканида агроэколог, зооэколог, технолог—эколог, ҳуқуқшунос—эколог, педагог—эколог, иктисодчи—эколог, дастурчи—эколог йўналишлари бўйича ўқув машғулоти олиб боришмоқда. Утган давр мобайнида мактаб-интернатни 638 нафар ўқувчи тамомлаб, мустақил ҳаётга йўлланма олди. Улардан 508 нафари олий маълумот эгаси бўлиб, аини кунда халқ хўжалигининг турли соҳаларида самарали фаолият олиб бормоқдалар.



ЖАВЛОН «БОРУССИЯ»ДА

«Бунёдкор» футбол мактаби тарбияланувчиси Жавлон Мирабдуллаев «Боруссия» (Мёнхенгладбах, Германия) клуби аъзосига айланиши мумкин. Ёзда Мексикада бўлиб ўтган «кичик» жаҳон чемпионати беллашувлари давомида машҳур клуб мураббийлари эътиборини қозонган Жавлон аини пайтда ана шу жамоа мутахассислари кўригидан ўтмоқда. — «Боруссия» йигинларида иштирок этаётган футболчимиз германиялик мураббийлар синовидан муваффақиятли ўтса, ўзбек футболининг катта ютуғи бўлади, албатта. Биринчидан, Жавлоннинг келажагига йўл очилди, иккинчидан, у ёш легионер сифатида академиямизнинг бошқа тарбияланувчиларига ҳам ўрнак бўлади, — деди «Бунёдкор» футбол клуби вице-президенти Баҳромжон Давлатов. — Шуни аниқ айта оламаники, аини пайтда Жавлоннинг жисмоний ҳолати ҳар қандай талабларга жавоб беради.



Куз фаслининг иккинчи ойи ҳам тугамоқда. Мамлакатимизда шу ҳафта охири ва кейинги ҳафта бошларида қисқа муддатли ёмғир ёғиши кутилмоқда. 30 октябрда баъзи жойларда ҳарорат 0-2 даража совуқгача пасаяди. Гидрометеорология марказидан хабар қилишларича, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳаво ўзгариб туради, 28 октябрда вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Кечаси 0-5 (баъзи жойларда 1-3 совуқгача пасаяди), кундузи 5-10 даража илқ бўлади. Бухоро ва Навоий вилоятларида 28 октябрда гарбдан эсаётган шамол йўналишини ўзгартириб, 15-20 м/с, тезликгача кучаяди. Ҳарорат кечаси 2-7, кундузи 7-9 даража илқ бўлиши кутилмоқда. Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятларида ҳам ҳаво ўзгариб туради, ҳафта охирида вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Ҳарорат 28 октябрда кечаси 7-12, 29-31 октябрда 2-7, кундузи 7-12 даража илқ бўлади. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида термометр кўрсаткичлари 28 октябрда кечаси 8-13, 29-31 октябрда кечаси 3-8, кундузи 10-15 даражача пасаяди. Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларида ҳаво ўзгарувчан бўлиб, 28 октябрда айрим жойларда ёмғир ёғиши мумкин. Шамол шарқдан 15-20 м/с тезликда эсади. Ҳарорат кечаси 7-12, 29-31 октябр кунлари 2-7, кундузи 7-12 даража илқ бўлиши кутилмоқда. Тошкент шаҳри ва вилоятида ҳам ҳаво ўзгарувчан бўлиб, 28 октябрда айрим жойларда ёмғир ёғиши мумкин. Шамол шарқдан 15-20 м/с тезликда эсади Ҳарорат кечаси 7-12, 29-31 октябр кунлари 2-7, кундузи 7-12 даража илқ бўлиши кутилмоқда. Республиканинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, 28-29 октябрда вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Ҳарорат 28 октябрда кечаси 2-7 даража илқ бўлади, 29-31 октябрда 4 даража совуқ — 1 даража илқ, кундузи 1-6 даражача пасаяди.

ХАРТУМДА УЧ ЭҒИЗАК ТУҒИЛДИ

Андижон туманидаги Хартум кишлоғили Зайнабхон ая ва Латифжон ота Бакировлар бирйўла уч набарали бўлишди. Чақалоқларга Ҳасан, Фотима ва Зухра, дея исм қўйдилар. Ота-оналари Ҳамидулло Бакиров ва Моҳичехра Шокированинг ҳам қувониқи чекиси. — Битта қизим бор эди. Аллоҳнинг инояти билан у икки сингил ва бир укали бўлди, — дейди чақалоқларнинг онаси. — Илоҳим кўз тегмасдан улғайиб, эл-юртга нафи тегадиган фарзандлар бўлиб етишсин. Хартумликлар эса кишлоқ аҳолисининг бирданига уч кишига кўпайганидан хурсанд бўлиб, чақалоқлар ҳолидан тез-тез хабар олиб туришибди.

SHURTAN GAZ KIMYO MAJMUASI» УШҚ **Novol Plast-PE**

«POLIETILEN QUVURLAR» ШҚ

Навоий вилояти «Навоий» эркин индустриал-иктисодий зона ҳудудида «Шўртан газ-кимё мажмуаси» қошида 2010 йил сентябрь ойидан бошлаб «ПОЛИЭТИЛЕН ҚУВУРЛАР» шўъба корхонаси ишга тушди. Бугунги кунда корхонада диаметри 75 мм.дан 250 мм.гача бўлган полиэтилен қувурлар ва томчилаб сугоришда фойдаланиладиган шланклар кенг ассортиментда ишлаб чиқарилмоқда. Бизнинг қувурларимиз сизни тез-тез бўлиб турадиган авария ва таъмирлаш муаммоларидан кўп йилларга халос этади.

ЮҚОРИ СИФАТЛИ ҚУВУРЛАР 50 ЙИЛЛИК КАФОЛАТ МУДДАТИГА ЭГА.

ПОЛИЭТИЛЕН ҚУВУРЛАРГА МУВОФИҚ СЕРТИФИКАТ ВА ГИГИЕНИК СЕРТИФИКАТЛАР БЕРИЛГАН. Буюртқа ва тақлифлар ҳўядаги телефон орқали қабул қилинади: (+99893) 950-55-11, 950-02-32. Шўртан, Бухоро вилояти pe_plast@mail.ru электрон маълумот вакилининг мўлки.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 210609, Навоий вилояти, Курмана тумани, Маликрат кўрғани. Тел./факс: (8-436) 220-00-36

Називин®

БУРУН ВА БУРУНЧАЛАР УЧУН

ОКСИМЕТАЗОЛИН

NYCOMED

- Катталар ва болалар учун ҳаётнинг биринчи кунлариданоқ қўллаш мумкин бўлган тумовга қарши препарат
- 12 соатгача таъсир кўрсатади
- Германияда ишлаб чиқарилади

Кўллаш учун кўрсатмалар

- Тумов билан бирга кечадиган ўтмир респиратор касаллиқларни даволаш;
- Аллерик ринит;
- Вазомотор ринит;
- Бурун бўшлагани турли касаллари ялғизликда дренажга тиклаш учун, востакит, урта отитда;
- Бурун бўшлиғида диагностика ўтказишдан аввал ошанинг бартараф этиш учун.

Рўйхатга олинганлик ҳақидаги тўқонома 17-042 №00332, 6-20-90 №0110 Шейкер респиратори берилган Тўқо сиртфеатлилик. Ўзбекистон билан таъиниқ. Кўллиш мўлки бўлмаган ҳолатлар мўлки. Препаратни қабул қилишдан аввал шифтор билан масъуллаштири.

Мерк КГА Германия для Никомед

Називин қадогининг янги дизайни